

ПОЛИГОНДАГИ ЎҚУВЧИЛАР
ҚАНДАЙ ТИНЧЛАНДИ?

4

12

ОЙ БОРИБ, ОМОН
ҚАЙТМАГАН БОЛАМ...

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



QR-коднинг
телефон орқали
сканер қилинг.

2020 йил 3 январь, №1 (2856)



3



ВАТАНПАРВАРЛИК – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ!

- 5 ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ: ЯНГИ УСУЛ ВА УСЛУБЛАР
- 9 «ТОҒ ЖАНГЧИСИ»ДА АСОСАН ЁШЛАР
- 15 ДЎСТИК ДАРВОЗАЛАРИ ФАРОВОНЛИККА ЭЛТАДИ
- 18 «МЕН ЎЗБЕКМАН, ЎРТОҚ КОМАНДИР!»



● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охириги иш кунинда парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашиб, йил якунларини сарҳисоб қилди, 2020 йилги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

● Янги – 2020 йил кириб келиши муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан Президентимизга сиҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ изҳор этилган кўплаб самимий кутловлар келди.

● Давлатимиз раҳбари янги йил арафасида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.



ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мана шу қувончли лаҳзаларда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт тилайман!

Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадмлар қўйилди.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, мўл ҳосил етиштирдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда.

2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилаларга шинам уй-жойларга эга бўлдилар.

Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди.

Янги-янги боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда.

Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда.

Куни кеча Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар бундан яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Мустақиллигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда.

Хурматли юртдошлар!
Биз миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз.

2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислохотларимизни фаол давом эттирамиз.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтирамиз.

Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилади.

Нуроний фахрийларимиз, мунис опа-сингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтирамиз.

Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз.

Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшнилари билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтирамиз.

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!
2020 йил ҳар бир оила, ҳар қайси хонадонга қут-барака, бахт ва омад олиб келсин!

Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР, НАФАҚАЛАР ҲАМДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН МОДДИЙ ЁРДАМ МИҚДОРИ ОШИРИЛАДИ

Президентимизнинг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра:

2020 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори **1,07 баробарга оширилсин.**

2020 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – **ойига 679 330 сўм;**

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – **ойига**

238 610 сўм;

энг кам ёшга доир пенсиялар – **ойига 466 680 сўм;**

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – **ойига 466 680 сўм;**

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – **ойига 286 390 сўм;**

солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилаётган давлат хизматлари, тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент (лицензия) тўловлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тўловлар миқдорини аниқлашда қўлланиладиган базавий ҳисоблаш миқдори – **223 000 сўм ўзгарисиз қолдирилсин,** деб белгиланди.

ИСЛОҲОТ

Президентимиз томонидан берилган топшириққа мувофиқ, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги замонавий ҳарбий шаҳарчада Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда алоқачилар ҳарбий қисми қайта ташкил этилди.

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН АЛОҚАЧИ ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ



Сержант Олими БЕРДИЕВ суратга олган

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги қарорига асосан ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа соҳасида юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Мудофаа факультети Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти этиб қайта ташкил этилган.

Мазкур ҳарбий институтда олтита йўналиш бўйича офицер кадрлар тайёрланади. Ўн та кафедра ва малака ошириш факультети фаолияти йўлга қўйилган. Мавжуд лабораториялар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. 700 ўринли ошхона, спортинг 14 тури билан шуғулланиш имконияти бўлган ёпиқ спорт зали бор. Бу ерга курсантлар техник

йўналишдаги олий ўқув юртларининг энг иқтидорли талабалари орасидан саралаб олинади.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев 2019 йил 26 декабрь куни Тошкент шаҳри ва вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишиш давомида мазкур ҳарбий институт ва ҳарбий қисмга ҳам ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар, ўқув-тарбия жараёни, замонавий ўқитиш воситалари, шунингдек, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари қай даражада жорий этилгани билан танишди.

Ташриф чоғида ҳарбий хизматчилар, вазирлик ва идоралар, Фанлар академияси раҳбарияти, техника йўналишидаги етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан суҳ-

бат бўлиб ўтди. Унда ҳарбий таълимни ривожлантириш, ҳарбий алоқа мутахассисларини саралаш ва тайёрлаш бўйича кенг тизимни йўлга қўйиш борасида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги чоралар белгилаб олинди.

Бугунги ахборот асрида тезкор хабар алмашув, айниқса, ҳарбийлар учун ғоят муҳим аҳамиятга эгалиги, бу тизимни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, алоқа хавфсизлигини чуқур эгаллаган мутахассислар тайёрлаш ишларини доимий шакллантириб бориш зарурлиги таъкидланди.

– Бугун алоқа соҳасини ривожлантириш бўйича бир йил олдин бошлаган ишларимизнинг илк натижаларини кўриб турибмиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Алоқа бўйича биринчи институтимиз ташкил этилди. У ҳарбий қисм билан бир жойда

жойлашгани курсантларнинг назарий машғулотларни амалиёт билан уйғун ўтказишида қўл келади. Энди эътиборни сифатга қаратишимиз лозим.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарига ҳарбий қисмда амалга оширилган қурилиш ишлари, мудофаа тизимида алоқа тармоқларини модернизация қилиш, жанговар ва ўқув тайёргарлик жараёнларини автоматлаштириш бўйича лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари турли нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ҳарбий спортчилар билан ҳам мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисм ихтиёридаги махсус техника ва алоқа воситаларининг намуналари билан танишди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

2019 йилнинг 26 декабрь куни Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятидаги шаҳарчага ташриф буюрганди.

Ҳарбий шаҳарчанинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Мамлакат раҳбарининг ташрифига тайёргарлик кўриш вақтида амалга оширилган ишларни ушқоқлик билан ташкиллаштиришда фаол иштирок этган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва қурилиш ташкилотлари ходимлари Мудофаа вазирлиги томонидан рағбатлантирилди.

Тантанали очилиш маросимида мудофаа вазири генерал-майор Баҳодир Қурбонов, Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов, ҳарбий қисм ва олий ҳарбий таълим муассасаси шахсий таркиби, ҳарбий шаҳарчани қисқа вақт ичида қуриб фойдаланишга топширишда жонбозлик кўрсатган қурувчилар иштирок этди.

Мудофаа вазири қурувчиларга ташаккурнома изҳор қилиб, 8 ой давомида олиб борилган самарали меҳнат эвазига бунёд этилган ҳарбий шаҳарча қад кўтаришида бутун Ўзбекистон халқининг муносиб ҳиссаси борлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, ҳарбий институт курсантларига қарата ҳукуратимиз томони-

дан яратиб берилаётган шарт-шароитлардан масъулиятли фойдаланиб, билим ва шижоатни ҳис этишларини талаб қолди.

Вилоят ҳокими ҳам ўз чиқиши орқали янги ўқув масканида юртимиз ҳарбий салоҳиятини ошириш учун хизмат қиладиган малакали кадрлар етишиб чиқишига ишонч билдириб қолди.

Шундан сўнг ҳарбий қисм ва Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтига Президент совғалари – «Isuzu» автобуси ҳамда «Nexia» автомобили калитларини топширилди. Янги ҳарбий шаҳарчани бунёд этишда қатнашган 30 нафар қурилиш ходими ҳамда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Асрор РЎЗИБОВЕВ,
«Vatanparvar»**



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган

“ Қуролли Кучлар академияси, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ва бошқа олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, курсантлар иштирок этган анжуманда минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, уларнинг мухтасар таҳлили ва эҳтимолий йўналишлари муҳокама этилди.

Жўяли Таклифларга Бой Анжуман

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти «Жанговар таъминот» кафедраси цикл бошлиғи подполковник А. Умиркулов ва катта ўқитувчи подполковник Ф. Тўхтамуродовнинг «Ҳозирги қуролли можароларда ноқонуний қуролланган жангари гуруҳлар томонидан «Тунел урушлари»нинг олиб борилиши ва «Шаҳид мобил»ларнинг қўлланилиши», Қуролли Кучлар академияси «Ҳарбий хавфсизлик» кафедраси катта ўқитувчиси захирадаги подполковник М. Қодировнинг «Аҳоли пунктлари ва шаҳарлар хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажаришда куч ишлатувчи идораларни қўллашнинг хорижий тажрибаси», Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти «Махсус тактик тайёргарлик» кафедраси катта ўқитувчиси подполковник Ш. Абдуллаевнинг «Ҳозирги вақтда аксилтеррор операциясини ташкиллаштириш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзудаги маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

– Ҳозирги пайтда ҳарбий можаролар туфайли жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган айрим давлатлар ҳудуди жанг-жадалларнинг янги шакл ва услубларини синовдан ўтказиш полигонига айланаётгани ачинарлидир, – дейди Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра

бошлиғи полковник Ф. Тўраев. – Шу боис, дунёда вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазият барчамиздан ҳушёрлик, доимий жанговар шайлик, хавф-хатар ва таҳдидларга ўз вақтида, тўғри баҳо бериш ва олдиндан чора-тадбирлар кўришни талаб этади. Замонавий ҳарбий санъат соҳасидаги ютуқлар ва ҳарбий қурилиш борасида тўпланган тажриба, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини инobatта олган ҳолда ҳарбий хизматчиларда Ватанга содиқлик, мардлик, жасурлик, ташаббускорлик, қатъиятлик каби хислатларни шакллантириш ўта муҳимдир. Бугунги анжуман ҳарбий хизматчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини бойитиб, жанговар қобилият ва маҳоратини янада оширишга хизмат қилади.

Анжуманда замонавий қуролли можароларда учувчисиз учуш аппаратлари, мобил тактик гуруҳларни жанговар қўллаш тажрибалари ҳақида ҳам фикр алмашилди. Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар шайлигини ошириш ва жанговар салоҳиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилган мунозаралар якунида аниқ ва жўяли таклифлар ишлаб чиқилди.

Дилшод РҮЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

2020 йил 1 январдан нималар ўзгарди? Улардан айримлари билан танишинг:

- ✓ эски намунадаги паспортлар ўз кучини йўқотди. Энди фақат биометрик паспортлар амалда бўлади;
- ✓ янги меҳнат шартномаларини тузиш, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш, шунингдек, уларни тугатиш ҳолатларини «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидида мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади;
- ✓ йўл-патруль хизмати ходимлари хизмат вазифаларини мобил видеокамерадан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Ҳайдовчилар бодикамераси бўлмаган ИПХ ходимига ҳужжат кўрсатмаслик ҳуқуқига эга;
- ✓ тутинган ота-оналар тайёрлов курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжати мавжуд бўлган фуқаролар орасидан танланади;
- ✓ республиканинг барча ҳудудларидаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар Реестрга фақат электрон шаклдаги кадастр паспорти тайёрланганидан кейин нотариуслар томонидан электрон киритилади ва мулкдорга Реестрдан кўчирма берилади;
- ✓ ҳокимликларнинг алоҳида функция ва вазифалари тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилади;
- ✓ давлат органлари ва ташкилотлари жами 28 турдаги ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эса уларнинг берилишига йўл қўйилмайди;
- ✓ тажриба-синов тариқасида 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтади.

Адлия лейтенанти
Шоҳнур ЭРНАЗАРОВ тайёрлади.

АРМИЯ ВА ЁШЛАР

“ Бугун дунё ҳамжамияти ҳам тан олиб турганидек, юртимизда очиқлик, ошкоралик. Албатта, бу жараёндан миллий армиямиз ҳам холи эмас. Қуролли Кучлар академияси ўқув жараёнини таъминлаш базаси дала-ўқув майдонида Чирчиқ шаҳридаги 15-ҳамда 20-умумтаълим мактаб ўқувчилари билан ўтказилган экскурсия давомида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Даставвал ўғил-қизлар билан очиқ мулоқот ўтказилиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилиши керак эди. Аммо ғала-ғовурни тинчлантириш бир оз қийин кечди. Боз устига ҳаммаси ҳар хил, ўзи истаганидек гаплашиб ўтирганди. Сал осийшталikka эришилгач, тадбир бошланди.

Буни қарангки, маърузачи майор Фарҳод Қаюмов Қуролли Кучлар академияси фаолияти, унга ҳужжат топшириш ҳақида гап бошлаши билан жим-житлик ҳукм сурди. Ўқувчиларнинг қизиқишини инobatга олиб, академия тарихи ва фаолиятига доир фильм намойиш этилди. Академияга ҳужжат топшириш учун нималар кераклиги, бунда қизлар учун имконият бор-йўклиги, имтиёзлар, нафақа ёши каби саволлар бир-бирига уланиб кетди. Шундан сўнг ўқувчилар учун курсантларнинг

ПОЛИГОНДАГИ ЎҚУВЧИЛАР ҚАНДАЙ ТИНЧЛАНДИ?



қўл жанги бўйича кўргазмани чиқишлари намойиш этилди. Жанговар техникалар билан танишиш эса иштирокчиларнинг Қуролли Кучларга бўлган ишончи ва қизиқишининг янада ошишига

сабаб бўлди. Шунингдек, ўқувчилар курсантларнинг отиш тайёргарлиги бўйича машғулотларини ҳам кузатдилар.

Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ

МАРДИ МАЙДОНЛАР

ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ

янги усул ва услублар


Сўнги йилларда Қуролли Кучлар академияси тилга тушди. Хориждан мутахассислар келса ҳам, кенгроқ кўламда семинар ёки анжуман ўтказилса ҳам ушбу муассаса танланади. Аслида ушбу олий ҳарбий таълим муассасасидаги шарт-шароитлар, замон билан вобасталик шунга арийди. Аммо бугунги мақоламиздаги воқеалар таълим муассасасидан, шаҳардан олисда Чирчиқ дала-ўқув майдонида рўй берди. Яъни курсантлар билан турли хил шароитларда ўт очиш истеҳкомларини ўзгартирган ҳолатда пайдо бўлувчи ва ҳаракатланувчи нишонларга ўқ узиш бўйича амалий машғулот ўтказилди.

Полигонда қор бўлмаса ҳам изғирин заб-тига олган. Бироқ бу кундузги ва тунги ўқув машғулотларининг кўнгилдагидек ўтказилишига асло таъсир қилмади. Аксинча, ўғлонларнинг чидамлилиги, ўзларига ишончи яна ҳам ортишига хизмат қилди.

У қадар кўзга ташланмайдиган пана жойда икки нафар курсант бир-бирини ниқобляпти. Сомон парчалари, хашаклар билан «безанган» снайперлар либоси табиат билан уйғун бўлгани учун илғаш мушкул. Шунга қарамасдан улар вазифани бажариш чоғида биз тушунмаётган айрим нозик жиҳатлар учун машғулот раҳбаридан дашном ҳам олиб турибди. Бошқа ўқув нуқтасида иштирокчилар жанговар техникалардан отиш бўйича маҳоратларини синовдан ўтказяптилар.

Шу ўринда муҳтарам ўқувчиларимизнинг эътиборини қаратишимиз лозим бўлган янги тажриба бор: машғулот раҳбарлари курсантлар орасидан сараланган. Бу эса уларнинг келгусидаги хизмат фаолиятларида асқотади. Мустақил фикрлашга, но-стандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ўргатади, нотиклик маҳоратини оширади. Академиянинг масъул офицерлари эса жиддий камчиликка йўл қўйган пайтлари тегишли маслаҳат ва кўрсатмаларини бериб борадилар.

– Илгари мерганлик милтиғида машқ бажариш машғулотларини курсантлар офицерлар қўл остида ўтказишарди. Бугун эса



белгиланган координаталардаги душманларни йўқ қилиш операцияларини бажарар экан, ўзлари қарор қабул қиладилар. Замоннинг ўзи шуну талаб қиляпти. Минтақадаги, жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда отиш машғулотларининг усул ва услубларини такомиллаштирган ҳолда курсантларни синовдан ўтказяпмиз, – дейди подполковник Фурқат Юлдошев.

Машғулот иштирокчилари отиш машғулотларини шамол тезлиги, ҳаво зичлиги ва босимини инобатга олиб, нишонларни яқсон қилиш жадвалига аниқлик киритган ҳолда

бажардилар. Уларга халақит беришдан чўчиган «O'zbekiston 24» телеканали муҳбирлари ҳам интервью учун офицер ва курсантларнинг бўш вақтларидан фойдаланишга ҳаракат қилишди. Тасвирга олиш жараёнига тўғри келиб қолган курсантга бир оз қийин бўлиши бор гап. Камера, томошабин нигоҳи уни таъқиб қилаверди. Муҳими, нима бўлганда ҳам машғулот иштирокчилари кундузги ва тунги синовларни муваффақиятли бажардилар.

Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



«ВАТАНПАРВАРЛИК – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ!»

Нукус кўчаларида ҳарбий санъаткорлар

Нукус шаҳридаги «Мега Nukus» кўнгилочар-савдо мажмуаси олдида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари томонидан «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида ватанпарварлик фестивали ўтказилди.



Майор Тимур НАРЗИЕВ суратга олган

Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри томонидан ижро этилган куй ва кўшиқлар қалбларда ватанпарварлик туйғусини жўш урдирди. Оркестр садоларининг жонли оҳан-

гидан таъсирланганлар бу унутилмас онларни телефони хотирасига муҳрлай бошлади.

– Хўжайлидан келдим, – дейди Хоразм лазгисини мароқ билан тинглаётган Мурнаввар Ишжанова. – Ҳарбий

санъаткорларнинг концертини илк бор томоша қиляпман. Менга манзур бўляпти. Кайфиятим кўтарилди. Ватанимизни ҳимоя қилаётган ҳарбийлар бир кўлида қурол, бир кўлида соз билан халқимизнинг тинчлигини таъминлаб, кўнглини олиши таҳсинга сазовор. Чекка туман ва қишлоқларда ҳам ҳарбийлар билан учрашувлар кўпроқ ташкил этилишини истардим.

Фахрий қоровул взводи ва мuddатли ҳарбий хизматчилар томонидан тайёрланган кўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлар ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри жамоаси Нукус шаҳридаги «Korziinka.uz» кўнгилочар-савдо мажмуаси олдида ҳам байрам дастурларини намойиш қилдилар.

Ҳарбий оркестр томонидан ижро этилган мумтоз ва замонавий куйлар юртдошларимиз учун ўзига хос байрам совғаси бўлди. Зеро, олқишлар билан қарши олинган ҳар бир куй-кўшиқ йиғилганларга олам-олам шодлик улашди.

Шоҳиста АБДУРАҲМАНОВА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида Мудофаа вазирлиги Марказий алоқа тармоғи ҳарбий хизматчилари ташаббуси билан «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Фахрийлар билан учрашув



Чингиз РАҲИМБЕРДИЕВ суратга олган

Тадбирда Тошкент ҳарбий округи фахрийлар кенгаши аъзолари иштирок этиб, миллий армиямизда олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий касб нуфузи, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёзлар, шарт-шароитлар ҳақида батафсил

фикр юритишди.

Тадбир довомида музей бўйлаб экскурсия уюштирилди. Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ижросидаги Ватанни мадҳ этувчи куй-кўшиқлар тадбирга янада байрамона руҳ бағишлади.

А. АҲМЕДОВ

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида очиқ эшиклар куни ўтказилди.

Билим юрти меҳмони – чирчиқлик ўқувчилар



Муаллиф суратга олган

Тадбирда ўқув кўргазмалари машғулотлар намойиш этилди. Чирчиқ шаҳри, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманларидаги умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлардан келган меҳмонлар ушбу билим масканида курсантларнинг таълим олиши учун яратилган замонавий шароитлар билан яқиндан танишди. Эътиборлиси, бу ерда ўқувчилар ҳарбий хизматчилар учун тайёрланадиган тансиқ таомлар, салатлари ширинликлардан татиб кўриши имкониятига эга бўлди. Шунингдек, жанговар техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси ўқувчи-ёшларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгу шуурига ҳарбий хизмат шарафли бурч эканини сингдириш мақсадида ўтказилган тадбирда билим юрти курсантлари ва офицерлар йиғит-қизларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Шу кун қўшалок байрамлар олдида олий ҳарбий билим юртида арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари савдо-ярмаркаси ташкил этилди. Чўнтақбоп нархдаги харидор-гир маҳсулотлар байрам дастурхони учун айна мuddао бўлди.

Эслатиб ўтамиз, юртимизда 2019 йил 15 декабрдан 2020 йил 15 январга қадар ватанпарварлик ойлиги доирасида қатор тадбирлар, ватанпарварлик руҳиники турли акциялар айна кунларда юқори савияда, кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Дилшод ШУҲРАТ ўғли

Замонавий электрон кутубхона

ёшларга манзур бўлмоқда

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари кўмондонлигига қарашли Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда ватанпарварлик ойлиги довомида маънавий-маърифий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида замонавий жиҳозланган электрон кутубхона фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда ҳарбий қисмда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчи-ёшлари, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари билан алоҳида режа асосида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида кўшимча тўғрақ фаолият кўрсатмоқда.

Электрон кутубхонада ўқувчи-ёшлар «Ziyounet» сайти орқали ўзлари истаган бадий ва ўқув қўлланмаларидан, 60 мингга яқин аудиокитоблар тўплами ва ҳарбий қисм кутубхонаси фондидаги 5 мингга яқин бадий асарлардан фойдаланишлари мумкин.

Ҳарбий қисмларда юртимиз ёшлари учун яратилаётган кенг қўламли шароитлар, албатта, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш, ёшларимиз қалбида Ватан тақдирига юксак дахлдорлик, шижоат ва фидойилик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади ва эртанги давомчиларини Ватанимизга содиқ, ҳалол, мард ва жасур қилиб тарбиялайди. Уларнинг ҳарбий касбга бўлган ҳавас ва қизиқишларини оширади.

Подполковник З. НАРКУЛОВ

« Мана ниҳоят, мактаб ўқувчилари қишки таътилга ҳам чиқишди. Эътиборга молик жиҳати, Нукус шаҳридаги 45-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиларини бу йилги қишки таътилга ўқитувчилар эмас, балки ватанпарварликни тарғиб этувчи юрт ҳимоячилари гуруҳи кузатишгани ўзига хос янгилик бўлди.

Унутилмас кунда подполковник Шерзод Умаров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес раисининг ҳарбий масалалар бўйича маслаҳатчиси захирадаги подполковник Бахтиёр Гаипов бошчилигидаги бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар фахрийлари мактабда «Жасорат дарси» ўтишди.

Ҳарбийликка қизиқувчилар сони ортмоқда



Муаллиф сурапта олган

Забардаст эгниларига ҳарбий аслаҳа ва қурол таққан мотоўқчи аскар ва ниқобланган мерган тадбир сўнгига қадар ёшларнинг диққатида бўлди. Охири йигитлар қизиқишларини ошкор

этишди: ҳарбий қурол ва аслаҳаларни ушлаб кўришга, уларни кийишга рухсат сўрашди. Уларнинг илтимоси ерда қолмади.

«Ватанпарварлик ойлиги» доирасида Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати меҳмони бўлган ҳарбийлар ўқувчилар билан антиқа усулда машғул ўтказишди.

Дарс давомида подполковник Баҳодир Нарзиев ўқувчи қизлар ўртасида уларнинг ҳарбий унвонларни қай даражада билишини синовдан ўтказди. Ўғил болалар эса автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича куч синашди. Фолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғаларини қабул қилди.

Майор Тимур НАРЗИЕВ

Посбонлар мактабда

« Ватан ҳақида сўз демоқ, унинг ҳимоясида турмоқ шарафдир. Пойтахтимиздаги 328-сонли умумий таълим мактабида ватанпарварлик ойлиги муносабати билан ўтказилган давра суҳбатида ана шундай шарафли касб эгалари меҳмон бўлишди.



Бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар иштирокида кечган учрашувда ўқувчилар она юрт, уни асраш, йигитлик бурчи ҳақида шеърлар ўқишди. Юрт посбонларининг Ватан ҳимояси муқаддас бурч эканлиги, аскар бўлиш ҳамда шартнома асосида ҳарбий хизматда қолиш бўйича маълумотлар беришди.

– Бугун шўх-шодон, зукко ва қизиқувчан ўқувчиларни кўриб, мактаб

давримиз ёдимга тушди, – дейди лейтенант Ҳумоюн Аҳадов. – Уларнинг бераётган саволлари ҳарбий хизматга қизиқиши нечоғлик баланглигини билдиради. Армия, офицер бўлиш, ҳарбий техникаларни бошқариш ҳақидаги маълумотларимиз уларга жуда манзур бўлди.

Зилола ХОЛМАТОВА

Эзгулик бардавом

« Юртимиз бўйлаб «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида ёшларни миллий кадриятларимизга ва ўзлигимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳарбий хизматга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари юқори савияда, уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Жумладан, Бухоро вилоятидаги ҳарбий қисм томонидан 5-сонли меҳрибонлик уйда ўтказилган тадбир ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ҳарбийлар ва жаҳжи болажонлар учрашуви «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шiori остида ташкиллаштирилди. Тадбир болажонлар учун эсда қоларли ва унутилмас таассуротларга бой бўлди. Болалар кўзида шодлик жилва қилди. Айниқса, улар ҳарбийлардан Янги йил совғаларини олганда, қувончдан дунёларга сиғмади.

Эзгу иш ортидан яна бир эзгуликка эшик очади деганларидек, ушбу ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ойлик доирасида Бухоро тумани Зарманоқ қишлоғи Хўжахайрон маҳалла фуқаролар йиғинидаги кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олишди; «Хўжа Ҳасан Пошшо» қабристонидан ободонлаштириш ишларини олиб борди.

Лейтенант Муҳаммаджон ҚАМБАРОВ

« Олмалиқ шаҳридаги 5-сонли умумтаълим мактабида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шiori остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари, шаҳар халқ таълими бўлими вакиллари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Курсантлар Олмалиққа нега борди?

Бугун ҳарбийлик ёшлар учун шарафли касблардан бирига айланди. Зеро, кўксига шу Ватанга чексиз муҳаббати жўш ураётган, буюк аждодлар мардлиги ва жасоратини ўзларига ибрат деб биладиган юрт тинчлиги ва осойишталигига метин қалқон бўлишни ўзининг муқаддас бурчи деб биладилар. Ёшлардаги бу ҳавас ва интилиш тадбир аввалида курсантлар билан бўлиб ўтган самимий мулоқотда ҳам буй кўрсатди. «Курсант бўлиш учун спорт билан мунтазам шуғулланиш қай даражада муҳим?», «Олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш учун қайси фанлардан тайёргарлик кўриш керак?», «Ўзингиз таълим олаётган олий ҳарбий таълим муассасасида яратилган шароитлар ҳақида гапириб беринг», «Ўқишдан бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?» Ўқувчилар курсантлари шу каби саволларга кўмиб ташлади. Саволларга батафсил жавоб олинди. Олий ҳарбий билим юрти ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи видеоролик айтилмаган фикрларни тўлдирди.

Тадбир ўқувчилар учун қизикарли воқеа ва таассуротларга бой бўлди. Айниқса, мактаб ҳудудида олий ҳарбий таълим муассасаси фахрий қоровули ва курсантларнинг қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлари намойиш этилганда кўзларда ҳайрат ва ҳавас ўтлари чакнади.

Шу куни тадбирда фаол иштирок этган ўқувчи-ёшлар ҳарбийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Майор Г. ҲОЖИМУРОВА



Серханг Олми БЕРДИЕВ сурапта олган

КЎРИК-ТАНЛОВ

ТОПАҒОНЛИК, ҲОЗИРЖАВОБЛИК ВА ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА

«Кулинг, умрингиз узок бўлади», деган эди сўз усталаридан бири. Самимий кулги, соф табассум улашувчи учрашувларда, албатта, ана шу сўзлар ёдга олинади. Зеро, ҳар бир самимий ҳазил ортида бир чимдим ҳақиқат бор.

Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий қисмлар ўртасида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловида ҳам жамиятдаги айрим камчиликлар ҳарбий хизматчилар томонидан ҳазил-мутойибалар орқали кўрсатиб берилди. Шунингдек, унда ҳарбий хизматчиларнинг топағон ва ҳозиржавобликлари ҳам намоён бўлди.

«Қувноқ танкчилар», «Само лочинлари», «Қувноқ десантчилар», «Сурқаш», «Артиллериячилар», «СЧР юлдузлари» жамоалари танловда таништирув, савол ва жавоблар, мусиқали кўриниш каби шартлар бўйича ўзаро беллашишди.

Яқунда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртини «Қувноқ танкчилар» жамоаси биринчи, «Артилле-



риячилар» жамоаси иккинчи, «Само лочинлари» жамоаси эса учинчи ўринни эгаллашди.

– Бугунги беллашув том маънода ҳарбий хизматчиларнинг байрам олди кайфиятларини кўтаришга, ҳарбий қисмлар ўртасида дўстлик ва биродарлик риштасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди, – дейди капитан

Ғофуржон Деҳқонов.

Ғолиб ва совриндор жамоа ҳамда фаол иштирокчилар диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Наргиза АСАДОВА,
«Vatanparvar»

«В специализированной школе №52 для детей с задержкой психического развития, расположенной в Яшнабадском районе столицы сегодня царит праздничная атмосфера. Вы скажете новый год! Но нет, причина праздника – школу посетили военнослужащие.

Радость и улыбки детей



Посещение военнослужащих в этой школе всегда особенное торжество. Как отметила директор школы Р. Хамралиева, военнослужащие в школе самые уважаемые гости.

Поздравить детей с новым годом, подарить им подарки, спортивные принадлежности, сладости пожаловали сотрудники военной прокуратуры Республики Узбекистан и Карательных войск МВД.

В ответ на подарки детишки рассказали стихи, спели песни, потанцевали на веселые мелодии, одним словом праздник удался.

Ч. РАИМБЕРДИЕВ

Ҳарбий шифокорлар малака оширди

Мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар алоҳида ўрин тутди.

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокорларнинг малакасини ошириш учун хорижий давлатларда малака ошириш курслари, турли хил тренинглари, ўқув-амалий машғулотлар, шу билан бирга юртимизда чет эллик мутахассислар иштирокида тажриба алмашиш тадбирлари ўтказилмоқда. Госпиталда Австриянинг «Aureus», «Ever Pharma» компаниялари мутахассислари иштирокида «Ўзбекистонда инсультдан кейинги нейрореабилитация» мавзусида ташкил этилган 5 кунлик амалий ва назарий ўқув курси фикримиз исботидир.

Ўқув курсида Мудофаа вазирлиги ҳарбий клиник госпитали бошлиғи полковник Худойкул Раҳимқулов, госпиталь нейрохирург-реаниматологи Баҳром Баратов, невропатолог Наргиза Ҳайдарова, шунингдек, лойиҳа раҳбари Ёқутхон Мажидова ҳамда Австрия томони координатори Ахел Кохлметз ва бошқалар маърузалари билан иштирок этди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мудофаа вазирлиги ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

Сўнгги пушаймон...

Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги раҳбарлигида Самарқанд гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар шахсий таркиби билан ёнги хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, ис (табиий) газидан заҳарланишларни бартараф этиш бўйича тадбир бўлиб ўтди.

Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар, Ёнги хавфсизлиги бошқармалари ва бошқа тегишли

идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир давомида сўз олганлар ёнгининг олдини олиш учун муҳим чора-тадбирлар моҳияти хусусида тўхтади.

Вилоят ҳудудида сўнгги йилларда содир бўлган ёнги, аҳолининг ис газидан заҳарланиши – эътиборсизлик оқибати акс этган видеороликлар намоиш этилди.

Майор Б. БЕГИМОВ

ЎҚУВ КУРСИ

“ Мудофаа вазирлигига қарашли «Фориш» тоғ дала-ўқув майдонида юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган Марказий ҳарбий округ тасарруфидаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари «Тоғ жангчиси» ўқув курсида мураккаб ва ҳаракатланиш қийин бўлган тоғли ҳудудларда жанговар вазифани бажариш бўйича билим ва кўникмасини оширди.



«ТОҒ ЖАНГЧИСИ» ДА АСОСАН ЁШЛАР

Тактик ўқув машғулотида дастлаб ҳарбий хизматчилар тик ва ясси баландликларга арқон билан ҳамда арқонсиз чиқиш, қулай ва кўзга ташланмайдиган позицияларни эгаллаш, майдон кузатувини ташкил этиш, ҳужумга ўтиш, вазиятга қараб отиш позицияларини ўзгартириш, янги сўқмоқларда жанг олиб бориш учун қулай бўлган ўринларга эгалик қилиш каби вазифаларни бажарди. Шунингдек, машғулот давомида тоғли ҳудудларда ҳаракатланиш, тоғ тайёргарлиги анжомларидан самарали фойдаланиш, сой ва дарёлар, даралар устидан ўтиш ҳамда ярадорларни эвакуация қилиш бўйича ҳам кўникмаларини синовдан ўтказди.

Ҳарбий хизматчилар тўғри ва аниқ ҳаракатланиб, қоялар ва чўққиларни қандай «жиловлаш» мумкинлигини яна бир бор амалда кўрсатишди. Бу айниқса, тоғ тайёргарлиги анжомларидан фойдаланиб, баландлиги 35 – 40 метр бўлган тепаликдан тушиш машғулотига яққол намоён бўлди. Тоғ жангчиларининг тепаликдан



тушиш жараёнида шахсий таркиб аъзолари майдон кузатувини ташкил этиш ва қайта мудофааланиш машғулотларини ўташди.

Тактик ўқув машғулотининг сой ва дарёлар, чуқурликлар устидан

ярадорларни олиб ўтиш қисми анча мураккаб ва айни дамда ҳаяжонга бой бўлди. Унда ҳарбий хизматчилар шартли ярадорларни тоғнинг бир қисмидан туриб иккинчи қисмига дарё устидан олиб

ўтишди. Уюшқоқлик билан қилинган ҳаракат, юқори даражадаги тайёргарлик мазкур босқичда ҳам ўз сўзини айтди. Топшириқ аъло даражада бажарилди.

– Бугунги ўқув машғулотимизга асосан ёш ҳарбий хизматчиларни жалб этган ҳолда олиб боряпмиз, – дейди ўқув машғулотига катта йўриқчиси кичик сержант Севдиёр Қулматов. – Буни қайсидир маънода «Устоз – шогирд» аънасининг бир кўриниши дейиш мумкин. Ўйлашимча, камчиликлардан ютуқларимиз кўпроқ бўляпти. Асосийси, ҳеч бир талафотсиз ўтказмоқдамиз.

Ушбу машғулотлар ҳарбий хизматчиларнинг ўта мураккаб вазиятларда аниқ ва тезкор ҳаракатланишига, ноқулай шароитларда ҳам яшовчанлик кўникмалари ҳамда жанговар шайлигини мунтазам ошириб боришга хизмат қилади.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Отабек НОРБОВЕВ,
Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати



РАҒБАТ

Мудофаа вазирлигида юқори натижалари билан мамлакатимиз спортини дунёга танитишда, Қуролли Кучлар нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун Мудофаа вазирлиги спорт клубининг бир гуруҳ спортчилари ва мураббийлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони номидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тантананада Мудофаа вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси раҳбарияти иштирок этди.



МЕЛИҚЎЗИЕВ – ЛЕЙТЕНАНТ ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ



Муаллиф суратга олган

Таъкидлаш керакки, жорий йилда МВСК фаоллари эришган ютуқлар ҳар қанча эътирофга арзигулик. Жумладан, навбатдаги «лейтенант» ҳарбий унвони топширилган шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бектемир Мелиқўзиев жорий йилда АҚШда профессионаллар ўртасида ташкил қилинган учта жанг ғолиби бўлди. Худди шундай навбатдаги «лейтенант» ҳарбий унвони топширилган шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Миразизбек Мирзахалилов Хитой Халқ Республикасида ҳамда бошқа бир қатор халқаро нуфузли

чемпионатларда ғолибликка эришди.

Қуролли Кучлар хизматчилари Никита Рафалович ва Адҳамжон Эргашев бир неча халқаро турнирлар ғолиби, жаҳон чемпионати совриндори бўлиш баробарида 2020 йили Японияда ўтказиладиган Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун лицензияни қўлга киритган. МВСК фаоли Нигора Турсунқулова эса жорий йилнинг ўзида «Катта дубулға» таснифидаги халқаро турнирнинг бронза медали совриндори, «Туркиш опен» ҳамда «Россия опен» халқаро турнирларининг ғолиблигига сазовор бўлган.

Майор Анвар Муқимов жиу-житсу бўйича жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон тарихида илк жаҳон чемпиони бўлди. Шунингдек, ҳарбий спортчиларнинг кўпчилиги Ухань шаҳрида бўлиб ўтган VII умумжаҳон ҳарбий ўйинлари ғолиблари сафидан ўрин олган. 2019 йил давомида республика ва халқаро миқёсдаги чемпионат ва мусобақаларда МВСК аъзолари жами 800 та медални қўлга киритган, шундан 265 таси халқаро турнирларда эришган ғалабалар натижасидир.

Нафақат юртимизда, балки халқаро майдонда ҳам тан олинган спортчилар бир дастурхон атрофида юқоридаги воқеаларнинг гувоҳи бўлиб ўтирган пойтахтимиздаги 102-махсус мактаб интернат ўқувчиларига ўзларининг совғаларини топширдилар. Янги йил арафасида берилган совғалар болажонларнинг кўнглини хушнуд этди. Айниқса, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан иборат китоблар жамланмаси уларни янада шодлантирди. Тантаналардан сўнг ўқувчилар учун Мудофаа вазирлиги спорт клубида байрам тадбири ташкил қилинди.

Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қаҳрамонлари орасидаги махсус мактабда тарбияланаётган болажонларнинг қувончини кўриб, вужудингизга титрокли севинч таралади. Ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, унинг учун бутун умрингни фидо қилсанг арзийди. Барча ўқувчилар номидан тадбир ташкилотчиларига ташаккурлар айтдик!

**Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**



ИЛК БОР

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округнинг Сурхондарё вилоятида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар ўртасида вилоят ҳокими соврини учун «Амир Темур ўғлонлари» ва «Жалолиддин Мангуберди ворислари» номли танловнинг ғолибларини тақдирлаш маросимига бағишланган тантанали тадбир Термиз шаҳрида жойлашган «Алпомиш» спорт мажмуасида бўлиб ўтди.

ТЕРМИЗДА: ТАҚДИРЛАШ ШОУСИ

«Амир Темур ўғлонлари» ва «Жалолиддин Мангуберди ворислари» танловларининг ғолиблари билан танишинг!



Унда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари кўмондони полковник Зайнобиддин Иминов, вилоят ҳокими Тўра Боболов, округ қўшинлари кўмондони ўринбосари полковник Қодир Турсунов, масъул офицерлар, вилоят жамоат ташкилот ва муассасалари раҳбарияти, фахрийлар, спортчилар, ўқувчи ёшлар, таникли хонандалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Вилоят ҳокими Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларининг «Китобхонлик ва китоб мутолааси», «От миниш маҳорати», «Бахшичилик ва дostonчилик санъати» ва «Тасвирий санъат» каби тўрт йўналиш бўйича мусобақалардаги фаол иштироки, ёшларга Ватанини севиш, ҳарбий-ватанпарварлик, ҳарбий хизматчиларнинг профессионализи орқали яна бир қарра ўрнатқ бўлганини эътироф этди.

Шундан сўнг тантанали маросимнинг асосий қисми старт олди. – Биринчи ўринни қўлга киритганидан хурсандман, – дейди капитан Азиз Матёқубов. – Асли хоразмликман. Торли чолғуларнинг деярли барчасини чалишни ўрганганман. Ушбу мусобақа менга дўмбирадек тарихий ва оҳанглари шу даштлардек кенгиш чолғу асбоби билан «сўзлашиш» имконини бер-



«Китобхонлик ва китоб мутолааси» йўналишида:

- 1-ўрин – лейтенант Жамшидбек Ҳошимов;
- 2-ўрин – катта лейтенант Шоҳруҳ Бобоҳусенов;
- 3-ўрин – муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мирзоҳид Шоназаров.

«От миниш маҳорати» йўналишида:

- 1-ўрин – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ислоҳжон Мамасолиев;
- 2-ўрин – кичик сержант Отабек Ражабов;
- 3-ўрин – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Наврўз Эркинов.

«Бахшичилик ва дostonчилик санъати» йўналишида:

- 1-ўрин – капитан Азиз Матёқубов;
- 2-ўрин – кичик сержант Ҳусниддин Улуғов;
- 3-ўрин – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Салим Тўқсонов.

«Тасвирий санъат» йўналишида:

- 1-ўрин – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Юнусхўжа Болтаҳўжаев;
- 2-ўрин – сержант Шерзод Алиқулов;
- 3-ўрин – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Наргиза Насриддинова.

ди. Президентимиз томонидан бахшичилик санъатига берилган юксак баҳо ва уни дунё микёсида тарғиб этиш саъй-ҳаракатининг самараси сифатида Термизда илк бор ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалини келтириш мумкин. Қувонарлиси, ҳарбий хизматчилар ҳам бу қадим санъатнинг мухлиси. Ватан ҳақида ҳамда «Алпомиш» дostonидан айтган термаларим сафдошларимга ғоят маъқул бўлди.

Тадбир давомида Жануби-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондони Сурхондарё вилояти ҳоқимиға мудофаа вазирининг эсдалик нишонини топширди.

Ғолиблар вилоят ҳоқимининг махсус дипломи, пул, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Лейтенант Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Vatanparvar»**

сўрасам, қозоқ йигит: «Отахон, бизларга Шарофиддиннинг қандай ўлганини айтма, дизбатга қамаласан, дейишган. Хизмат тугасин, уйга келсам, ёзиб юбораман», деди... Энди боламинизни қайтариб бўлмайди. Аммо ҳақиқатни билсак, кўнгил таскин топарди, – деди бизга Мурсурмонкул ака.

Қўлимда унинг сўнги мактуби: «Дадажон, соғ-саломатман. Хизмат ҳам тугайди, юз кўришамиз. Катта отамга айтинг, мен боргунча ҳасса олмасинлар...» Бу мактуб йўлда бораётганда, Шарофиддин аллақачон дунёдан кўз юмган эди.

Телеграмма: «Галлаорол ноҳия ҳарбий комиссарига. Аскар йигит Абдусаломов Шарофиддин ўлди. Ота-онасига хабар қилинг...»

Галлаоролдан қайтдим, ҳарбий хизматдан келганлар, оқсоқоллар, йигитлар билан суҳбатлашдим ва бугун ҳарбий хизмат муаммолари ҳам улкан бир дардга айланганини сездим. Ўз мулоҳазаларимни сизга ҳавола қилгим келди.

Биз узоқ йиллар ҳарбий хизмат ҳақидаги ҳақиқатни айтмай келдик. «Давлат сири» номли ниқоб орасида қанчалаб адолатсизликлар кечаётгани аён бўлди. Албатта, давлат сири ҳам мавжуддир. Аммо аскар йигитларнинг турмуши, озик-овқати, ўй-кечинмалари – давлат сири эмас. Бугун шулар ҳақида ҳам сўзлаш керак!

Давлат сирини матбуотда асраш шарт эмас. Сирни менгача – мухбиргача асраш лозим. Мен билгач, у энди сир эмас, у – ҳаммага маълум «сир».

Биз бу ёқда – кўчада биров икки тарсаки урса ҳам, судга бериб, қаматамиз. Ахир, бир солдат ўлса, унинг айбодори кимлигини аниқлаб, жазолаш керак! Эҳтимол, қотил жазоланаётган ҳамдир. Аммо қурбоннинг ота-оналари тўлиқ маълумот ололмай ётибдилар. Ҳолбуки, бугун ҳарбий хизматдан ўлиб қайтаётганлар сони ошиб борапти. Йўқ, буни мен ҳаводан олганим йўқ...

Афғонистонда ўлганларга сабаб топиш мумкин – ҳар ҳолда, у ёқда уруш, қирғинбарот бўлган. Хўш, мамлакат ичида уруш йўқ, қирғин йўқ, нега аскар йигитлар шахид бўлмоқда? Мен Мудофаа вазирлиги органларидан шахидлар сонини олишга кўзим етмай, дуч келган қишлоқ шўроларидан суриштирдим. Мана, айрим фактлар: Галлаорол ноҳия Ғўбдин қишлоқ Шўросидан: Исломов Нуриддин, Красноярскда хизмат қилган, хизмат охирига 15 кун қолганда ўлган; Усмонов Олимжон, Москва ҳарбий округида хизмат қилган, 1988 йил, 19 майда хизмат тугаган куни «томдан йиқилиб» ўлган; Тожибоев Аҳтам, Узоқ Шарқда хизмат қилган, 1988 йил 31 октябрда ўлган... Самарқанд вилояти Ургут ноҳиясидаги Ғўс қишлоқ Шўросидан кейинги уч йил ичида бирдан бир неча йигитнинг жасади келди, ҳаммаси мамлакат ичкарисида ҳарбий хизмат қилаётган йигитлар, Галлаоролдаги Иттифоқ қишлоқ Шўросидан охириги уч йилда бир неча аскар йигитнинг ўлиги келди – Абдужабборов Шўхрат, Саматов С., Бўрибоев Фахриддин, Абдусаломов Шарофиддин...

Еронлар, бу йигитларнинг ҳар бири ота-онасининг дилбанди эдику! Бир йигит воёга етгунча қанчалар жафо чекади ота-она: тетапоя бўлганда, йиқилмасин, деб ҳадиқсирашлар, ҳар бегона шамолдан асраш, мактабга борса, йўлини пойлаб ўтиришлар. Ўзи емай-ичмай едириб, ўзи ичмай-ичкизиб



ўстиришлар... У алп-қомат йигит бўлганда, мана шундай ўлиб кетаверса...

Аскар йигит ўлди!..

Бир оқибатсизлик мени хайратга солади. Ҳар гал йигитларимиз ҳалок бўлгач, уларнинг уйларига хабар қилишади, ота-онаси, қавм-қариндошлари, дунёнинг у чеккасидан бўлса ҳам, бориб олиб келишлари керак. Харажатлар, овозагарчиликлар ҳам майли, аммо хабар келгунча, уриниб-суриниб боргунча, сўнг олиб келгунча, анча вақт ўтиб, жасад ириб адо бўлади, пешонасидан бир ўпиб сўнги йўлга – дорулбақога жўнатмоқ учун яқинига йўлаб ҳам бўлмайди. Йигитни биров уриб ўлдириганим ёхуд ўзини ўзи ўлдириганим, касалликдан жон берганим, сувга чўкиб ўлганим, ҳарбий қисм у ҳалок бўлгач, уйига кутиб олишни хабар қилиб, тезда ўзлари йўлга олиб чиқса бўлмасмикан? Ахир, тиригида рўшнолик кўрмаган, на-да бир киз сочини силаб, куёвлик тўнини киймаган, гулдай ёшида хорликда ўлган йигитнинг, ҳеч бўлмаганда, ўлиги эҳтиромдан холи бўлмасин! Уни дунёга қайтариш қўлимиздан келмас экан, ҳеч бўлмаганда, жасадини эъзоз билан кўмайлик, қўлимиздан келадиган шу сўнги яхшилиқни қилайлик, ахир!.. Бу бизнинг одамлигимизни унутмаганимиздан далолат бўлади.

Шарофиддиннинг ота-онаси ўғиллари ўзини ўзи отганига ишонишмайди. Агар шундай бўлса ҳам, ўйлайманки, ҳарбий қисмда бу каби ходисалар чуқур ўрганилиши, агар, биров отган бўлса, айбдор жазоланиши, ота-оналар судга таклиф қилиниши, борса борди, бормаса жиноий иш ва ҳукм нусхаси жўнатилиши, хулосалар баён қилиниши керак. Тоқим, турли кўнглибузар гапларга ўрин қолмасин. Хўш, биров ўлдирибди, ўзини ўзи ўлдирибди, дейлик. Лекин одам хурсандчиликдан ўзини ўлдирмайди. Демак, ҳарбий қисмдаги маънавий-руҳий муҳит яхши эмас, демак, аскар йигит

яшагиси келмай қолган, яшай олмай қолган. Аҳвол шундай қолаверса, эртага яна биров, индин яна биров шундай қилаверди... Навбатдаги қурбон ким бўлади?

Ўз-ўзини ўлдириш... Бу ҳодисанинг чуқур иқтисодий-сиёсий, маънавий-маънавий ва руҳий сабаблари бор, албатта. Мен ҳарбий қисмларда ўзларини ўлдириганлар сонини билмайман, аммо мамлакат бўйича шундай маълумотга эгаман. СССРда 1984 йилда – 81 минг, 1985 йилда – 68 минг, 1986 йилда – 53 минг, 1987 йилда – 54 минг киши ўзини ўзи ҳалок қилган. АҚШда ҳар 100 минг кишидан 12 киши, Англияда – 9 киши, СССР да – 19 киши ўзини ўлдиришмоқда.

Йигитлар – халқларнинг мақтови, кўрки, Наслнинг жавҳари, давлат таянчи

Ғафур Ғулломнинг ушбу сўзлари ёдимизда бўлсин! Жамиятнинг келажаги, келинчакларимизнинг чеҳраси оидин бўлсин десак, йигитларни асрайлик!

Мен шундай фикрдаман (агар сиз қўшилмасангиз, фикрингизни айтинг): ҳозирги армия тартиби бизга уруш давридан қолган, сталинча структурадир. Конституцияда ҳар бир совет граждани ҳарбий хизмат қилиши кераклиги қайд этилган. Оммавий ҳарбий мажбурият – уруш ҳолатининг ҳосилдир. Бугун дунёвий сиёсатда аҳвол ўзгарди, илмий-техника революцияси олдимизга янгича воқелиқни кўндалик қўйди, келинг, тарихан ўйлаб кўрайлик.

Хўш, йиллар давомида армия жамиятга нима берди-ю, жамият армияга нима берди? Халқ депутатлари съезида айтилди – биргина 1989 йилда армияга давлат бюджетидан 77,3 миллиард сўм ажратилди (Ҳарбий космос – 3,9 миллиард сўм). Ҳукумат бошлиғи Н.И. Рижков сўзи: «Ўн йиллар давомида мамлакат мудофаа sanoatига энг тажрибали, моҳир кадрларни йўллади.

Давлат бюджети ҳисобидан илмий тадқиқотларни таъминлаш учун ажратилган маблағнинг 75 фоизи ҳарбий тадқиқотлар йўналишига ажратилди, қолган ҳаммага – 25 фоиз». («Аргументы и факты», № 33 (462)). Буни ўзимизнинг жўяли тилга ўгирсак, Шарофиддиннинг қишлоғи билан ноҳия ўртасида телефон алоқаси йўқ, «Тез ёрдам» чақиролмай, касал узилиши мумкин; аммо товущдан тез учувчи ракеталар бор. Яна: ўзбек деҳқонининг оғирини енгил қиладиган пахта машинаси яратилмайди-ю, парашютдан сувга ташласа, чўкмайди танклар бор!..

Академик А. Сахаровнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бизнинг армия дунёда энг кўп сонли армиядир. Ер юзидаги энг катта уч мамлакат (Хитой, АҚШ ва ГФР) армиясини қўшиб ҳисобласак ҳам, бизники кўп. («Огонёк», № 31, 1988 йил).

Ҳаётнинг ўзи ҳарбийлар сонини ва уларга кетаётган харажатларни қисқартиришни тақозо қилмоқда, чунки халқнинг дастурхони қуруқ бўлиб, қиличи катта бўлса, у – оч одам – бу қилични кўтаролмай қолади. Қайта қуриш сиёсатининг натижаси ўлароқ, дунёда давлатимизга нисбатан хайрихоҳлик кайфияти юзага келди. Бугун мамлакатимизга ҳарбий таҳдид ҳавфи йўқ. Бундай шароитда кўп сонли армияни ўн-ўн беш йиллаб ушлаб туриш оқилона иш эмас. Ҳарбий техниканинг замонавийлашуви, электрон ва компьютер қуроллари ишлаб чиқиши, ернинг сунъий йўлдошлари ва ҳарбий фазо ютуқлари, янгича воқелиқ яратди – энди уруш бўлса ҳам, бутун аҳоли қурол олиб, майдонга тушмайди. Ўйлайманки, энди оммавий ҳарбий мажбурият шарт эмас!

СССР Олий Совети, халқ депутатлари буни англамоқдалар, айрим жўяли қадамлар қўйилди: 1985 йилга келиб, ҳарбий харажатлар 1,5-2 баравар қисқартирилади, шу беш йилликка биз-

СИЁСИЙ ШАРҚ

Дунёда кечаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларга кўз ташласак, зиддият ва урушларнинг кўпчилиги кўшнларнинг ўзаро ноаҳиллиги туфайли келиб чиққанига амин бўламиз. Айниқса, Осиё ва Африкадаги, Яқин Шарқ ва Форс кўрфазидagi қиродаркушлик урушлари ортида ҳам «мен сендан устунман!» қабилидаги такаббурлик ётади. Яқин пайтларгача ҳам Марказий Осиёда мамлакатлар ва халқлар орасига совуқчилик тушганди, гарчи улар МДХ ва ШХТ каби тузилмаларнинг аъзолари бўлса-да. Вақтлар бўлдики, қон-қардош, қуда-анда халқлар орасига «девор» қўйилди.


2016 йил сентябрь ойидан эътиборан Ўзбекистон ташқи сиёсатида янгилик юз берди. Аслида бу ўзгариш эмас. Қоғоздаги ўзаро дўстлик ҳақидаги «афсона»лар ҳаётга кўчди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон биринчи навбатда асосий эътиборни қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш ва мустақамлашга қаратишини эълон қилди. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ, давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли бугун дунё ҳамжамияти Марказий Осиё минтақасида рўй бераётган тарихий жараёнларга гувоҳ бўлмоқда. Чегаралар очирилиши, деворлар кулаши, симтўсиқлар ўрнини «дўстлик дарвозалари» эгаллаши. Бир сўз билан айтганда, аҳил қўшничилик, маданий дипломатия сиёсати бугунги кунда Марказий Осиё минтақасининг ташриф қоғозига айланиб бормоқда.

Минтақадаги барча мамлакатларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммолари ечими фақат дўстлик, ҳамжихатлик ва халқаро муаммоларга ягона позицияда ёндашувга боғлиқ. Халқимиз, «Бўлингани бўри ер», деб бежиз айтмаган. Президент Мирзиёев ҳам эътироф этганди: «Ҳамма қўшнлар билан биз дўст бўламиз. Бошқа ниятимиз ҳам йўқ. Албатта, кўп-кўп муаммолар бор, лекин одамзот шунинг учун, раҳбарият шунинг учун борки, бу муаммоларни ақл билан, ирода билан, вазминлик билан ечиш керак... Ҳар бир давлатнинг ўзининг нияти, ўзининг халқи, ўзининг истаклари бор. Шунинг учун биз дўстлик нуктаи назаридан, самимийлик нуктаи назаридан, биродарлик нуктаи назаридан қўшнларимиз билан фақат дўст, дўст ва яна бир марта дўст бўламиз».

Биз, инсонлар қўшнни танлай олмаймиз. Уни Яратганнинг ўзи ато этади. Қўшнлар билан дўстона муносабатлар ҳамisha юртини обод ва фаровонликка элтган. Шу маънода, кейинги пайтларда Марказий Осиё давлатлари ўртасида қардошлик муносабатларининг мустақамлашга қаратилгани кишини қувонтиради. Қўшнларимиз билан эмин-эркин борди-келди йўлга қўйилса, тараққиёт ҳам шунга яраша бўлади. Уша кунлар келди. Айтиш керакки, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Ташқи сиёсат Концепциясида ҳам биз ўзимизнинг яқин қўшнларимиз Козогистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистон билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз, дейилган.

2019 йил 29 ноябрь кун Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви ҳам муносабатларни янада яқинлаштириш ишига хизмат қилди. Саммит кун тартибидан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олганди. Маълумки, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг

ДЎСТЛИК ДАРВОЗАЛАРИ ФАРОВОНЛИККА ЭЛТАДИ



маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президент томонидан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди. Биринчи саммит 2018 йилнинг март ойида Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси ортида шубҳасиз, энг аввало, ҳамкорлик орқали тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш мақсади ётганлигини унутмаслик керак. Зеро, жаҳонда рўй бераётган глобал жараёнлар бизнинг минтақа-

жойлашган. Ўнлаб йиллар давомида замонамизнинг энг мураккаб муаммоларидан бири – афғон моjarоси ҳал этилмай келяпти. Шу муносабат билан олдимизда долзарб саволлар турибди: бизнинг минтақа қай даражада барқарор ва аниқ келажакка эга? Бизни қандай умумий хавф-хатарлар кутмоқда?

Ушбу саволларга жавоблар асо-

жакка эга халқаро шерик сифатида қад ростлашига кўмак бераётир.

Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёт ҳамиша ва бундан кейин ҳам минтақамизнинг бир қисми бўлиб қоладиган Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Афғонистондаги моjarони ҳал этиш бўйича халқаро савий-ҳаракатлар сезиларли дара-

жада фаоллашганини олқишлайди ва қўллаб-қувватлайди. Одамлар, капитал, товар ва хизматлар ҳаракатланиши, шунингдек, кенг маданий-гуманитар алмасув учун қулай шароитлар яратилган, жипслашган, очик, жадал ривожланаётган Марказий Осиё барча минтақадаги давлатларнинг умумий манфаатларига жавоб беради. Шу сабабли Маслаҳат учрашувларида минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича келишилган нуктаи назарни ишлаб чиқиш мавзусига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хавфсизлик, савдо, транспорт, сувдан фойдаланиш, таълим ва бошқаларга доир долзарб масалалар бўйича самарали ишлаётган кўп томонлама шериклик механизмлари шулар жумласидан.

Ҳамкорликдан манфаатдор бўлган давлатлар раҳбарлари Марказий Осиёда кўп томонлама ҳамкорликнинг механизми ва регламентини ишлаб чиқиш ҳамда келишишга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун қулай шароитларни шакллантиришга, мамлакатларимиз ўртасидаги эркин савдо режими тўлиқ ишлаши, шунингдек, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, чегараларимиздан ўтишни енгиллаштирувчи «яшил» йўлақлар ва замонавий технологияларни кенг жорий этишни таъминлашга интилоқдалар. Денгиз портлари ва янги бозорларга энг қисқа йўл орқали олиб чиқишни таъминловчи ўзаро боғланган минтақавий транспорт-логистика тизимларини шакллантириш, туризмни Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ривожланишининг янги драйверига айлантириш вазифалари ҳам устувор мақсадлардан саналади.

Марказий Осиё ҳамisha ягона ва бўлинмас минтақа бўлиб келган. Бизни умумий тарих ва дин, тиллар, урф-одатлар ва маънавий қадриятларнинг ўхшашлиги бирлаштириб туради. Тарихимиз бир ва келажакимиз умумий. Кўп минг йиллик қардошлик ришталари ва халқларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ришталарини бундан буюн ҳам ҳар томонлама мустақамлаш муҳимдир. Иккониётларимиз ва интилишларимизни бирлаштириш ҳамкорлик ҳамда тараққиётни принципал жиҳатдан янги даражага олиб чиқади. Фақат биргаликдагина Марказий Осиёни мустақам, барқарор ва иқтисодий жиҳатдан гуллаб-ғашнаётган минтақага айлантира олиш мумкин.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

Маълумот учун:
Ўзбекистон дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Тошкентда 45 та чет эл элчихонаси, 8 та фахрий консул, 19 та халқаро ташкилот ваколатхоналари, 18 та хорижий халқаро ҳукуматларро ва ҳукумат ташкилоти ваколатхоналари, битта дипломатик мақомга эга савдо ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

даги вазиятга ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Марказий Осиё ноёб геостратегик жойни эгаллаган ҳолда, минг йиллар давомида Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлаб турувчи ўзига хос кўприк бўлган. Минтақамиз улкан энергетик ҳамда минерал ресурслар, маданий-цивилизациявий ва энг муҳими – инсон салоҳиятига эга. Шу билан бир қаторда, Марказий Осиёда етакчи глобал давлатларнинг ўзаро рақобатли манфаатлари кесишади. Минтақада халқаро терроризм, экстремизм ва наркотиқ таҳдиди мавжуд, у бевосита беқарорликнинг йирик ўчоғи яқинида

сий минтақавий муаммолар ҳамда Марказий Осиёдаги барча давлатлар тинчлиги ва гуллаб-яшнаши йўлида келгусидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш учун ўта муҳимдир. Охириги пайтларда Марказий Осиё ривожланишининг ижобий суръатларини намоён этипти. Барча соҳада ўзаро минтақавий алоқалар кучаймоқда. Минтақа ичидаги энг ўткир муаммолар – хавфсизлик, давлат чегаралари ва сувдан фойдаланиш тизими асосда ҳал қилинапти. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича резолюциянинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти томонидан бизнинг минтақа мамлакатлари жипслашуви, бинобарин, улар биргаликдаги савий-ҳаракатлар билан умумий муаммоларни ечиш, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қодир эканлиги тан олинаётганнинг эркин тасдиғидир.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан товар айланмаси 2018 йилда 50 фоиз ортди. Ҳамкорликнинг ўсиб бораётган суръатларидан минтақадаги барча мамлакатлар реал фойда оляпти. Минтақавий ҳамкорликнинг кучайиши, бу – объектив, барқарор ва орта қайтмас тенденциядир. У минтақадаги барча давлатларнинг қатъий иродаси ҳамда чуқур тарихий илдизларга асосланади.

Бугун Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда умумий долзарб бўлган муаммолар ҳал этилишини илгари сурган ҳолда, минтақавий ҳамкорлик равақида ҳисса қўшмоқда. Марказий Осиёда яқинлашув жараёни кимнингдир манфаатларига қарши қаратилмаганини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Аксинча, минтақавий ҳамкорликка инвестиция киритиш Марказий Осиё барқарор ва гуллаб-яшнаётган минтақа, демак, ишончли ва аниқ кел-

ТАРИХ

“ Милодий эрадан олдинги 356 – 323 йилларда яшаб ўтган македониялик Искандар (Александр Македонский) қадимги дунёнинг энг машхур лашкарбоши ва давлат арбобларидандир. У бор-йўғи ўттиз уч йил умр кўрган бўлса-да, шу қисқа давр мобайнида қудратли давлат барпо этган ва Ер юзининг қарийб ярмини эгаллаган жаҳонгир ҳисобланади.

Замонлар ўтди, даврлар алмашди, Искандарнинг зафарли юришлари, қилган ишлари юзасидан тарихий ҳақиқат ва афсоналар асносида турли-туман асарлар пайдо бўлди. Александр Македонский Шарқда македониялик Искандар номи билан шухрат қозонди. Қадимда у ҳақда асар битмаган ижодкор кам топилди.

Жаҳонгир Искандар образи ҳақида озарбайжонлик буюк шоир Низомий Ганжавий, асли келиб чиқиши шахрисабзлик бўлиб, кейинчалик Ҳиндистонда яшган Хисрав Дехлавий, хиротлик Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг «Хамса» туркумидаги асарлари бизга маълум ва машхур. Лекин бу масала алоҳида мавзу бўлиб, биз икки буюк шахс – Бобур ва Искандар шахслари ўртасидаги боғлиқликлар ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Заҳридин Мухаммад Бобур билан македониялик Искандарни боғлаб турган муҳим бир ришта бор. Аввало, ҳар иккала жаҳонгир буюк давлатларга асос солганлар. Табиийки, Бобурни тарихий босқинчи Искандар эмас, афсонавий бадийи қаҳрамон бўлиб шаклланган Искандар кизиқтирган бўлиши мумкин.

Хўш, улар ўртасидаги ўхшашлик нималарда кўринади? Бу яқинлик Бобур ижодида қандай ўрин тутган?

Бизга маълум манбаларга кўра, Бобур асарларида, хусусан «Бобурнома»да бу ҳолат кўзга ташланмайди. Эҳтимол, унинг бизгача етиб келмаган ёхуд ҳозирча номаълум бўлиб қолаётган «Ҳарб иши» асари топилса, бу масалага ойдинлик киритилар. Аммо шуниси аниқки, Навоийнинг кичик замондоши Бобур Искандарга эътиборсиз бўлиши ёхуд унинг жаҳонгирлик фазилатларини билмаслиги мумкин эмас. «Бобурнома»ни ўқир экансиз, буюк жаҳонгирнинг юришлари, халққа, аскарларга муносабатида бу ҳолатни кузатиш мумкин.

Зеро, ўзбек мумтоз адабиётида бирор-бир ижодкор йўқки, Искандар образига мурожаат этмаган бўлса. Амир Хисрав Дехлавий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон

ИСКАНДАР ВА БОБУР

Икки буюк ҳукмдор ва лашкарбошилар ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар



Жомий, Алишер Навоий... яна кўплаб ижодкорлар борки, уларнинг асарлари тарих саҳифаларини безаб турибди.

Демак, ўз даврининг йирик адиби сифатида Бобурни шубҳасиз, Искандар қаҳрамонликлари мафтун этган. Бобур атиги 47 йиллик умри давомида Афғонистон, Ҳиндистон каби давлатларда катта империя тузганлиги бунга ишора.

Қадимги юнон тарихчиси Плутархнинг бизгача етиб келган «Сравнительные жизнеописания»¹ («Қиёсий ҳаёт лавҳалари») асари дунёга маълум ва машхур. Биз бу ўринда Искандар ҳаётидаги муҳим нуқталарни таҳлил қилиш жараёнида уни шоҳ ва шоир Бобур характери билан қиёслаймиз.

Манбаларда ёзилишича, бир куни Искандар ва унинг аскарлари саҳрода бир қултум сувга ташна бўлган пайтларида уларга сув олиб кетаётган киши деч келиб қолади. Искандарни чанқалган ҳолатда кўрган ўткинчи унга сувни тутиб: «Мана сизга сув, буни болаларимга олиб бораётган эдим, аммо сиз бор экансиз, фарзандлар туғилаверади, марҳамат, сизга атадим», дейди. Аммо Искандар: «Мен бу сувни ичсам, аскарларимдаги жасорат йўқолади, уларнинг менга бўлган ишончи қолмайди», дея ўйлаб, илтифотга рад жавоб берган экан.²

Бобурнинг ҳам аскарларга муносабати, ғамхўрлиги, ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, машаққатларда улар билан бирга

қиларкан.

Бундай истеъдодни биз улуг мутафаккир Бобурда ҳам кўраимиз. Унинг ҳар бир жанг олдида сўзлаган нутқи қўшинни доимо мардликка, қаҳрамонликка, жасоратга руҳлантиргани ҳақида «Бобурнома»да жуда кўп маълумот учрайди.

Иккала саркарданинг китоб ва китобхонлик ҳақидаги бугунги авлод учун ибратли томонлари ҳақида мушоҳада юритайлик. Юнон тарихчиси Плутархнинг ёзишича, Эрон шоҳи Доро Искандардан енгилгач, аскарлари унинг хазинасидан топилган жуда қимматбаҳо ҳамённи Искандарга келтиришади. Искандар аёнларидан, «Бу ҳамёнга нима солса бўлади?» деб сўрайди. Аёнларнинг бири у дейди, бири бу дейди, ҳар ким турли хил фикр билдиради. Шунда Искандар: «Бу ҳамёнда «Иллиада»ни сақлайман», деб жавоб беради³. Мана буни китобга бўлган муҳаббат деса бўлади.

«Бобурнома»да ёзилишича, Бобурийлар хонадонидан энг сеvimли китоб Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони бўлган. Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида отаси Умаршайх Мирзо бу асарни доимо ўқиб юриши ҳақида маълумот берган.

Тарихчиларнинг қайд этишича, Искандарнинг ёстиғи остида доимо икки нарсга бўларкан. Буларнинг бири ўтқир қилич, иккинчиси Гомернинг «Иллиада» достони экан. Бу китобни кўз қорачиғидек асраб юраркан.

Искандар билан Бобур ўртасидаги ўхшашлик ва яқинлик ҳар иккаласининг жанг ҳадисини олган лашкарбоши, моҳир стратег, кучли нотик бўлганликлари ва жаҳонгирликларида кўринса-да, бизнинг аждодимиз бунёдкорлик салоҳияти жиҳатидан ундан анча устун эди. Бу алоҳида кўзга ташланадиган жиҳатдир.

Агар македониялик Искандар босқинчилиги, ўзга юртларни хароб қилувчи бўлгани ва маълум маънода бизнинг худудимизда ҳам қирғинбарот сиёсатини олиб борган бўлса, Бобур ва Бобурийларнинг бунёдкорлик ишларини ҳинд халқи ҳамон ҳурмат билан эслайдилар, улар бунёд этган мейморий ёдгорликлардан Тожмаҳални дунё мўъжизаларидан бири сифатида эътироф этадилар.

Ҳинд халқининг машхур давлат арбоби Жавахарлаъл Неру бу ҳақда, «Бобур – дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик вакилидир», деганида тамомила ҳақ эди.

Бўлганлиги тарихдан маълум. Ватан – улуг ва муқаддас даргоҳ. Унинг олдида шоҳу гадо баробар. Бобур Андижондан қовун келтиришганда, кўзига ёш олиб, Ватанини қўмсаганини эсланг. Унинг ўз Ватанига қайтиш орзуси ҳеч қачон сўнмаган. Бир рубоийсида буни шундай қайд этади:

Қобулда иқомат қилди

Бобур дерсиз,

Андоқ демангизларким,

муқим эрмасмен.

Юнон тарихчиси Плутархнинг маълумот беришича, бир куни Искандарга ҳам узоқ Грециядан бир мевани келтирадлар. Лашкарбоши бу мевани кўриб, жонлик сўйишдан воз кечиб, Ватанини соғинганини кўзида ёш билан тан олиб, мевани хидлаб-хидлаб, изтиробга тушганини ёзиб қолдирган.

Маълумотларга кўра, тарихий шахс Искандарнинг хотираси шунчалик кучли бўлган эканки, қўшинидаги ҳар бир аскарнинг исмини биларкан. Қўшинга янги келган ёш аскарнинг энг биринчи исм-шарифини сўраб, кейин унга топшириклар бераркан. Тарихий манбаларда келтирилишича, бир жанг олдида унинг аскарларидан бири саросимага тушиб қолади. Шунда лашкарбоши ундан исмини сўрайди. Ёш аскар, Искандар, деб жавоб беради. Шунда Искандар унга далда бериб, бу исм сени қаҳрамонликка ундайди, ўз номингга муносиб жанг қилишинг керак, дейди ва жанг охирида кичик Искандарнинг ҳалок бўлганини эшитиб, қаттиқ ўксинади.

Бундан ташқари, Искандар ниҳоятда ўтқир нотик ҳам бўлиб, унинг ҳар бир жанг олдида сўзлаган нутқидан кейин сарбозлари руҳланар, сиз учун жонимиз фидо, деб садоқат изхор

Бухориддин МАМЕДОВ,
филология фанлари доктори,
Қуролли Қўллар
академияси профессори

¹ Плутарх. *Избранные. Сравнительные жизнеописания*. Москва. 1987 (мисоллар шу нашрдан олинди).

² Қаранг. *Плутарх. Ўша китоб. 419-саҳифа.*

³ Плутарх. *Ўша китоб. 387-бет.*

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ХАСТАЛИК БАХТСИЗЛИК ЭМАС

матонат, ирода, сабр тимсоли

Кундалик бу – кўнгил кўзгуси. У ўйу хаёлингиздан тортиб, туйғуларингизни ҳам кўрсатишга қодир. Унга қараб, ўзингизни таҳлил этасиз, тартибга соласиз, муайян қарорлар қабул қиласиз. Кундалик Саламатнинг ҳам қалб дафтари, энг яқин дўсти, сирдошига айланган. У ҳеч кимга айтолмаган дил сўзларини, ҳаёт ва хаёл билан кураш онларини унга муҳрлаган. Саламат 1983 йили Нукус шаҳрида туғилган. Унга болалар церебрал фалажи (ҳаракат координацияси бузилиши, боланинг моторик ва руҳий жиҳатдан ривожланишдан ортада қолиши) ташхиси қўйилган, II гуруҳ ногирони. Инсон хасталикни ўз матонати билан енгишга қодир, Саламат эса бунга мисол. У 2008–2012 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида таҳсил олди, ҳозирда шу ерда ўқув-ёрдамчи лаборант бўлиб ишлайди. Шунингдек, билимли ва тажрибали дастурчи. Қорақалпоғистондаги энг машҳур сайтларни яратган. Мамлакатимизда ўз йўналиши бўйича ягона «www.mehrtilsimi.uz» сайти асосчиси. Бу сайт Ўзбекистон бўйича имконияти чекланган, аммо қалби шижоатга тўла, қўлида ҳунари бор инсонлар фаолиятини ёритади. Ўзининг «www.Sa.kr.uz» шахсий сайти оммабоп, унда халқаро ва юртимиздаги янгиликлар, таҳлилий ва танқидий мақолалар ўрин олган. Унинг «www.it-express.uz» ёш дастурчи ва мутахассисларга мўлжалланган веб-сайти ахборот технологиялари бўйича онлайн қўлланмадир.

Келинг, Саламат Аvezовнинг кундалигини сиз билан бирга варақлаймиз.

Бахтни инсон ўзи яратади

Бугун яна бир тонг отмоқда, режалар кўп, улгуришим керак. Тўхтаган инсонгина ҳамма нарсдан Мосуво бўлади. Нурли тонгни қарши олиш бу – энг улғу бахт. Барчамиз мунаввар осмонга термилиб, эзгу ниятлар, олам-олам орзу-умидлар қиламиз. Бу оламда она қалби, аёл меҳри, унинг чексиз самимияти, куюнчақлигидан-да каттароқ муҳаббат топа олмайсиз. Биламан, онам менга куйниб, қанча йилларни орқага ташлади. Эрта тушган ажинлар, сочларига оралаган оқларда катта ҳиссам бор. Кечиринг... Хасталикка ҳеч энгилгим келмайди, аммо менга билдирмай пинҳона йиғлашингизни билмайди дейсизми?! Отам-чи, қўлим ва оёғимга айланиб, ўз ҳаётини унутди. Ота, тоғдек қаддигизни дардларим билан кўп эгдим. Эслайсизми, кичкиналимда йиқилсам, қўлимдан ушлаб турғизардингиз, аммо катта бўлдимки, ҳали-ҳамон шундай.

Жисмонан соғлом инсонларга ҳавасим келади. Агар кимдир тўрт мучаси соғ бўлиб, ҳаётдан хафа бўлса, ранжийман. Улар бахтли-ку! Имконияти чекланган инсонларнинг орзулар оғушида яшашини яхши биламан. Бундай кишилар қийинчиликларга эгилмай матонатли бўлишга тиришадилар. Руҳий азобларини қалб ва тафаккур ила енгишга ҳаракат қилади. Биз учун атрофдагиларнинг маҳзун нигоҳи, ачинган қиёфасини кўришдан ҳам оғирроқ дард, алам бўлмаса керак?

Шифокорлар менга «болалар церебрал фалажи» деган ташхисни қўйганида, ҳаёт батамом тугаб, рангсизланганди. Ушанда умримга баҳор қайтиб келмайди, дея уввос тортиб йиғлаганим рост. Меҳрибон ота-онам ва яқинларимнинг далдаси, руҳини тетиклаштирган орзулар баҳорни қалбимга бошлаб келди. Табиатимда ажиб уйғониш даври бошланди. Китоблар билан дўст тутиндим. Улар менга касаллик бахтсизлик эмас, аксинча ироданинг синови эканини аниқлади. Мутулаадан озикла-



ниб, Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалига ўқишга топширдим... Инсон бахтни ўз қўли билан яратади.

Матонат

Кичкиналимда уйда телевизоримиз бўларди. Эскириб кетган матоҳ тез-тез бузилар, сериал кўргувчи онамнинг бундан фиғони фалакка чиқарди. Волидам хафа бўлмасин, дея телевизорни амаллаб тузатардим... Технологияларни бошқариш, созлашга бўлган қизиқишнинг илк куртаклари шу онларда очилган бўлса, ажаб эмас! Замон технологиялари ривожланиб борар экан, дастурчиларга талаб ортади. Ҳозирда машҳур сайт ва платформаларнинг асосчиси-ман. Дастурчилар бўйича онлайн курслар ташкиллаштираман. Интернетни худди пичоққа ўхшатаман, у ёмон одам қўлида жиноят курали, яхши киши қўлида янгиликлар яратувчиси. Ҳар бир инсон ўзи учун дастурчиликни билгани яхши. Негаки, бундай билим инсонни тармоқда айрим ёвуз ниятли кишилар қўлига тушиб қолишдан, шахсий маълумотларини, онлайн пулларини ўғирлатишдан асрайди.

Жисмонан соғлом бўлмаслик айб эмас, инсоннинг қалби чиройли бўлиши керак. Чунки қалб қора бўлса, бундан ортиқ хасталик йўқ. Аслида, ҳаётга соғлом ёндашув, умид ва ишонч саломатликдан ҳам кўра муҳимроқ экан. Ўқиб-ўрганишга, бошқаларга қўлдан келганича яхшилик қилишга, қалбни ҳаммиша соғлом, соф ва самимий сақлашга интилиш асосий мақсадимга айланаётир. Жисмонан соғлом бўлмасам-да, ҳеч кимдан кам эмаслигимни, маънан ҳеч кимдан ортада қолмаслигим за-



рурлигини қалбдан ҳис этаман.

Матонат

аслида бу қалб оғриқларини енгишдир.

Китоблар барча хасталикларга малҳам

Кечагина Пауло Коэлонинг «Алкимегар» асарини қайта ўқиб тугатдим. Негадир шу китобни ўқиганимда инсонлар бахтни ён-атрофидан эмас, узоқдан излаши, ёнидаги бахтни ўз вақтида эмас, йўқотганда англаши хаёлимдан ўтади. Китоблар сирдошимга айланган. Ундаги ҳар бир сюжет эътиборимдан четда қолмайди. Хасталикни тан олмаслигим, танамдаги оғриқ, руҳан кучли бўлишимда китобларнинг ўрни катта. Уларга қизиқишим сабаб қорақалпоқ халқининг энг буюк адиблари Ибрагим Юсупов ва Тўлепберген Қайипберге-новнинг асарлари жам бўлган веб-сайтни яратдим. Қорақалпоғистонда электрон кутубхоналар сони кам. Қорақалпоқ халқ эртақ ва афсоналарини тўртта тилда таржима қилиб, сайтимда алоҳида рукнда бериб бораман. Адбимиз Асқад Мухторнинг бир шеърини «Қандай яхши-я. Ҳамма учун яшаш!» деган мисра бор. Шу биргина мисра жуда катта теран маънога эга. Ҳаёт бизни ҳар бир неъматдан баҳра олиб яшашга, тириклик учун курашишдан ҳеч тўхтамасликка ундайди.

Шоир Ибрагим Юсуповнинг «Бир одами бир одам» шеърини яхши кўраман.

Қандай жақсы бирадар, Адамзаттын журеги, Бир адамды бир адам, Жандай жақсы кореди.

Бир адамды бир адам, Суйип қалар танысса. Бир адамды бир адам, Сағынады алыста.

Ишип мийрим кесасын, Тас журеклер босасын, Барҳама суйип жасасын, Бир адамды бир адам.

Ҳаммада ҳам армон бўлади

Армон... Мен бу ҳақда ҳеч ёзгим келмайди. Аммо бир нарсани тан олишимиз керак, армон ҳаммада бўлади. Шоирнинг яна бир қаторини келтираман: «Армони йўқ кишилар айтинг». Ўзимни ҳеч қачон хаста кишидек тутмаганман. Ўйлашимча, тақдирим устидан яхшигина ғалаба қозондим. Ҳаёт қийинчиликларига энгилмадим, тенгдошларим, биродарларимга ҳеч қачон хасталигим билинмаган, талабалик давримда ҳаттоки, айрим курсдошларимга дастурлашни ўзим ўргатардим. Лекин армоним бор. Волидам «Она, онажоним», деган сўзларимни эшитса. Фарзандлик бурчимни бажара олмаётганимдан ўксинаман. Қариганида суюнчақ бўлишнинг ўрнига, жисмонан ҳалигача мени кўтаришади. Отам қўл-оёғим, онам эса матонатимдир. Биз инсон бўлиб дунёга келдик, энди фақат олдимизда битта йўл бор: инсон бўлиб яшаш!

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА
оққа кўчирди.

ТАШРИФ

Асрлар ошса-да, Бобур чеккан фиғон ҳануз авлодлар дилида яшаб, гўзал тарихий асарларга, кинофильмларга кўчиб, бардавом бўлиб келаётир. Айниқса, шоҳ ва шоир бобомизнинг бутун ҳаётини, ҳарб юришларини, армон ва ҳижрон билан кечган умрини ифода этувчи «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» видеофильми халқимиз меҳрини қозониб, олтин фонднинг энг дурдона меросига айланди. Бунда бош қаҳрамон ролини моҳирлик билан ижро этиб, элнинг олқишини олган санъаткор Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Халқаро «Бобур» мукофоти соҳибни Муҳаммадали Абдуқундузов бугун «Ташриф» саҳифасининг меҳмони.

«МЕН ЎЗБЕКМАН, ЎРТОҚ КОМАНДИР!»

—Ассалому алайкум, бугун ижодий фаолиятингиз билан бирга, ҳарбий хизмат даврингизни ҳам эсламоқчимиз. Чунки ўқувчиларимизга улуг санъаткорнинг бир пайтлар армия сафидаги хизмат пайтлари жуда қизиқ.

—Сухбатимиз мавзуси олис ёшлик йиллари, ундаги ҳарбий хизмат билан боғлиқлиги мени қувонтирди. Чунки қандай ўтган бўлмасин, навқиронликни эслаш кишига ҳузур бағишлайди. У пайтларда армия қийин эди. Армияга боришга ҳар кимнинг ҳам юраги дов бермас, кўпчилик хизматга чап беришга ҳаракат қилишарди. Ўқишни тугаллаб, театрда ишлаб юрган пайтларимда армияга чақирув қоғози келди. 1976 йил Россиянинг Тула шаҳрига олиб кетишди. Совук, изғирин жондан ўтиб кетади. Турли миллат йигитлари, турфа феъл-атвор. Айниқса, ўрта осиеликларга нисбатан пастроқ назар билан қараш бор. Энг ёмони, бутун хизмат давомида ҳайдовчиликка, чилангарликка ўқитиб, қурилиш батальонларига жўнатиб юборишади. Аскар арзон ишчи кучи ҳисобланган ўшандай пайтда вазиятни кузатдим-у, ўзбек ўғлонларининг ғурурини кўрсатиб қўйгим келди. Рус тилини яхши билардим. Ҳарбий қасамед рус тилида айтилларди. Кўпчилик юртдошларимизнинг тили қовушмай кулги ҳам бўлишарди. Менинг навбатим келганда ўртага чиқдим-у, микрофонсиз баланд овозда баралла қасамед матнини ўқий бошладим. Сафдаги аскарлар, кейин командирлар бир муддат жим бўлишди. Йиғиндан кейин командиримиз олдига чақириб, ким эканлигимни, қаерданлигимни суриштирди. «Ўзбекман, ўртоқ командир!» дедим. Кулиб қўйди, сўнг «Молодец!» дея 25 кун уйга таътил берди.

Хизматни шундай давом эттирдим. 6-разрядли эксковаторчи бўлдим (ҳозир ҳам эксковатор рулини беришса, яхши ҳайдовчи бўлсам керак). Санъаткорлигим учун ҳарбий қисмнинг маънавий-маърифий тадбирларига бош-қош бўлдим. Мусофир ерларда энг қийнаган нарса бу соғинч эди. Юртимни, оиламни жуда соғинардим. Ишонсангиз, хизмат давомида турмуш ўртоғимга оз эмас, 600 та хат юборибман. Соғинчли мактублар-да, энди бу. Ҳали ҳам бу дилномаларни сақлаймиз.

Мана, мустақил бўлдик. Биринчи Пре-



МЕҲМОН ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА:

туғилган санаси:
14.07.1952 й.

туғилган жойи:
Фарғона вилояти,
Яйпан қишлоғи.

Маълумоти:
1974 й. Тошкент
давлат санъат
институтини
тамомлаган.



зидентимиз томонидан қилинган энг эзгу ва муҳим вазифалардан бири ўз армиямизни ташкил қилиш, чегараларимизни мустаҳкамлаш бўлди. Замонавий техникалар билан таъминлаш, олий ҳарбий билим юртларини барпо этиш – буларнинг бари босқичма-босқич амалга оширилди ва ниҳоят, Ўзбекистоннинг қудратли Қуролли Кучлари юзага келди. Бу йўлда жуда кўп инсонларнинг, чунончи, генераллардан тортиб, аскаргача катта захмати ва фидойилиги бор.

Толеъ йўқки, жонимга баолоғи бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғи бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғи бўлди.



—Муҳаммадали ака, сиз яратган образлар ичида Бобур Мирзо роли алоҳида аҳамият касб этади. Буюк саркарда, шу билан бирга кўнгил одами бўлмиш шоир образини яратишда сизга нима куч берди?

—Чиндан ҳам, Бобур йирик давлат арбоби, маърифатпарвар, кучли зеҳн ва идрок соҳиб бўлган. Бу образни яратишимда тинимсиз меҳнат ва изланишларим, қолаверса улуглар руҳи мададкор бўлган, деб ўйлайман.

Ўз вақтида Бобур Мирзо ўз юртини қўйиб Ҳинд сори юзланганда, ҳиндларнинг 100 минг кишилиқ лашкарини ўзининг 12 минг кишилиқ қўшини билан енгган. Бу Гиннеснинг рекордлар китобига ҳам киритилган. Европада чиққан дунёнинг 100 та буюк саркардаси ҳақидаги китобга биздан Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Бобур киритилган. Бу бежиз эмас. Яъни Темурийлар авлоди бўлмиш Бобур ҳарб илмида ҳам улуг аждодларига муносиб авлод бўлган. Унинг чин инсоний фазилатлар эгаси эканлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Бир мисол, Самарқанд Шайбонийлар томонидан қамал этилган, халқ оч, қўшин ночор, умидсиз пайтда Бобур шаҳардаги китоб дўконига кириб қолади. Бир-бирдан бежирим муқовали, мазмундор китобларни саралаб олаётганида вазир Қосимбек нима деярини билмай минг хижолатда: «Подшоҳи олам, ўзимиз билан хазинабонни олмаган эдик-да...» дейди секингина. Қўлидаги асарга махлиё бўлиб турган шоҳ аста вазирага қайрилади-да, «Яхши, мен танлаб, саралаб қўяман, кейин келиб олиб кетсинлар», дейди. Қаранг, танг аҳволда ҳам мулозимларини, халқнинг ризқини қиймасликни ўйлашликни. Яна қўшимча қиладики: «Жаноб Қосимбек, айтингиз, китобдорга битта қўй ҳамда икки қоп ун олиб келиб берсинлар. Зеро, у қийналиб қолмасун», дейди. Бобурнинг бошқа дўкдорлардан кўра, айнан китоб сотувчи, зиё таркатувчи савдогарни ўйлаб қилган иши қанчалик таҳсинга лойиқ. Бундай мисоллар жуда кўп унинг ҳаётида.

Бугун мамлакатимиз Президенти томонидан китобхонлик, унинг мутолааси, чоп этилиш борасида қилинаётган ишлари ҳам аждодларнинг улуг йўлини давом эттириш, деб биламан. Ҳарбий қисмларга борганимизда у ердаги кутубхоналарга кираман. Китоб жавонларида тарихий асарлар, жумладан, «Бобурнома», албатта, бўлади. Бобур ҳаёти ва фаолиятини бизга етказишда ёзувчи Пиримқул Қодировнинг хизмати беқиёс. Ҳарбий хизматчилар билан китоб ҳақида, Бобур шахсияти ҳақида фикрлашаман. Улар тарихга жуда қизиқади. Ўтмишини билган инсон бугунги озодлик, тинчликнинг қандай машаққатлар, жангу жадаллар эвазига қўлга киритилганига амин бўлади, албатта.

Мен айна дам Ватан осойишталиги ва фаровонлигини ўйлаб, туну кун хизмат қилаётган, юраги бедор, алпқомат юрт ҳимоячиларини яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбдан муборакбод этаман. Илоҳим, яратган сизга куч-қувват берсин, буюк аждодлар руҳи мададкор бўлсин!

—Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Наргиза АСАДОВА

СПОРТ

В Гулистане прошел чемпионат Узбекистана по таэквондо (WT) среди взрослых. В соревновании приняли участие четыреста спортсменов из различных регионов страны. Армейскую школу таэквондо представили 15 спортсменов Спортивного клуба Министерства обороны Республики Узбекистан.

На открытии чемпионата представители Министерства физической культуры и спорта и Ассоциации таэквондо (WT) отметили, что цель соревнования обеспечить достойное участие представителей нашей страны в предстоящих соревнованиях международного масштаба, отобрать талантливых спортсменов в ряды сборной команды.

Всего армейцами в турнире завоеваны восемь медалей – пять золотых и три серебряных. Золотые медали завоевали младший сержант Д. Шокин в весовой категории +87 кг, служащая ВС Н. Турсункулова в весовой категории 87 кг, спортсмен Ш. Салаев в весовой категории 80 кг, служащий ВС Д. Жайсунов в весовой категории 68 кг, служащий ВС Н. Пулатов в весовой категории 63 кг. Медалями серебряной пробы награждены О. Турганбеков – 87 кг, С. Тоиров – 68 кг и служащий ВС У. Рашитов – 63 кг.

Завершился турнир награждением участников дипломами и памятными подарками.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ

ПЯТЬ ЗОЛОТЫХ, ТРИ СЕРЕБРЯНЫХ



Таэквондисты СК МО РУ в 2019 году завоевали:

в республиканских турнирах десять медалей –
пять золотых, четыре серебряных, одну бронзовую;

в международных турнирах двадцать шесть медалей –
двенадцать золотых, шесть серебряных, восемь бронзовых.



МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Янгиариқ тумани ўқув-спорт техника клубида ёшларни ижтимоий фойдали ҳамда оммавий ватанпарварлик ишларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ВАТАНПАРВАРЛИК ИШЛАРИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР



Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ қизгин давом этаётган «Ватанпарварлик ойлиги» давомида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ўтказилляпти.

Ўқув-спорт техника клуби биносининг замонавийлиги ва спорт техника, ўқув автомобиллари жиҳозлари ҳамда маънавият ва маърифат бўйича кўргазмалар билан таъминлангани бу борада қўлайлик яратяпти.

– 2019 йил мобайнида 450 нафар «В», «ВС», «Е» тоифали ҳайдовчи мутахассис тайёрланиб, белгиланган режа тўлиқ бажарилишига эришилди, – дейди туман УСТК бошлиғи Равшанбек Пирметов. – Энг асосийси, ходимларимиз янгиликка интилувчан. Бўлажак ҳайдовчи

ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш услубининг ранг-баранглиги, ўқитувчилар, амалий бошқаришни ўргатувчи усталарнинг ўз билим ва маҳоратларини доимий равишда ошириб бораётганлиги муваффақиятларимиз омили бўлмоқда.

УСТК раҳбари ҳақ гапни айтди. Бунини даргоҳга қадам ранжида қилган ҳар бир киши ўз кўзи билан кўриши мумкин. Кенг, жиҳозланган хоналар, улардаги инновацион видеопроекторлар, компьютерлар жамланмаси, турли ҳаракатланувчи стендлар ва бошқа кўргазмалар, янги замонавий энгил ва юк автомобиллари автомактабнинг моддий техника базасини ташкил этади.

Яқунланган йилда спортнинг техник ва амалий турларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ривожлантириш борасида ҳам УСТҚда салмоқли ишлар қилинди. Айни пайтда ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ёзги биатлон ҳамда картинг каби секцияларга 36 нафар ёш жалб қилинган.

Акбар АЛЛАМУРОВОВ

ХАРБИЙ ТЕХНИКА

ТИЖОРИЙ
АВТОМОБИЛЬ
АСОСИДА

“ Ута қийин йўллардан ҳам юра оладиган «Жангл Фокс» типидagi кўп мақсадли жанговар автомобиль Буюк Британиянинг «Жангл арморинг» компанияси мутахассислари томонидан юқори даражадаги ишончилиги ҳамда яхши йўлга қўйилган техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тармоғига эгаллиги билан шуҳрат қозонган «Тойота» фирмасининг тижорий автомобили асосида ишлаб чиқилган.

Бу эса янги жанговар машина яратишда молиявий маблағларни тежаш имконини берган. Ҳозирги вақтда «Жангл Фокс» Буюк Британия армиясининг разведка ва махсус вазифаларни бажарувчи бўлинмаларига қарашли жанговар техника таркибидан жой олган.

Машина экипажи икки кишидан иборат, десант бўлмасига барча керакли нарсалар билан таъминланган 4-6 нафар пиёда аскар жойлашиши мумкин. Курол сифатида машинага 12,7 ва 7,62 мм.ли пулемёт, шунингдек, 40 мм.ли автоматик гранатомёт ўрнатилиши режалаштирилган. Корпуснинг олд қисмидаги капотда (8 та) ва орқа қисмида (ён томонларда 2 тадан) тутун таркатувчи гранаталари отиш қурилмалари жойлаштирилган. Умумий қуввати 250 от қучига тенг бўлган дизель двигатели шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлигини соатига 120 км.гача етказиш имконини беради. Ёқилғи бўйича юриш заҳираси 700 км. Автомобиль белгиланган ҳудудга ҳаво орқали ҳарбий-транспорт вертолётларининг ташқи илгичида, шунингдек СН-47 «Чинук» русумли вертолётнинг ички қисмида етказилиши мумкин.

МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ
САМОЛЁТ

“ Транспортно-заправочный самолет (ТЗС) А.330 «Феникс» ВВС Франции разработан на базе коммерческого широкофюзеляжного лайнера А.330-200 компании «Эрбас» в рамках европейской программы MRTT (Multi-Role Tanker/Transport).

Самолёт имеет переоборудуемый грузовой отсек и съемное заправочное оборудование. Силовая установка – два ТРДД CF6-80E1 тягой по 300 кН. Дозаправка в воздухе может осуществляться как с применением подвесных агрегатов заправки по схеме «штанга – конус», так и с помощью телескопической балки ARBS (Advanced Air Refuelling Boom System). Основные характеристики ТЗС: экипаж три человека; масса передаваемого топлива на удалении 1000 км от аэродрома базирования составляет 92 т, на удалении 4000 км – 51 т; темп заправки с использованием системы ARBS 4540 л/мин, с использованием схемы «штанга – конус» 1580 л/мин; максимальная взлетная масса 233 т, крейсерская скорость полета 860 км/ч, перегоночная дальность 14800 км, максимальная масса топлива 111,3 т; длина 59,7 м, размах крыла 60,3 м, высота 17,9 м. В варианте грузового самолёта может перевозить: до 290 военнослужащих; 34 стандартные грузовые платформы 463L; 27 контейнеров LD3. Кроме выполнения задач по переброске личного состава и техники самолёт может использоваться для эвакуации раненых благодаря установке специальных моделей, а также как ретранслятор сигналов связи и управления. В носовой части ТЗС установлена оптико-электронная станция, способная вести съемку земной поверхности днем и ночью.

ХАРБИЙ ГОСПИТАЛЬ
КЕМАСИ

“ Хитой ҳарбий денгиз кучлари тасарруфидаги «Дайшаньдао» русумли госпиталь кемаси (борт рақами 866, халқаро тасниф бўйича номи «Пис Арк») нинг қурилиши 2006 йилда «Гуанчжоу шипьярд интернэшнл» кемасозлик заводида бошланган, 2007 йил августида сувга таширилган ва 2008 йилда мамлакат ҳарбий флотли таркибига киритилган.

Кеманинг узунлиги 178 метр, эни 24 метр, сувга ботиб туриш даражаси 8,5 метр, тўлиқ сув сиғими 23370 тонна. Максимал юриш тезлиги 20 узел, сузиш узоклиги тежамкор 14 узел тезликда 10000 милияни ташкил этади. Экипаж 135 кишидан иборат. Кема 20 нафар беморга мўлжалланган интенсив терапия ва жонлантириш (реанимация) бўлими, шунингдек, умумий сиғими 300 кишига мўлжалланган 32 та палата ҳамда 8 та операция хонасига эга (максимал равишда 600 нафаргача беморни қабул қилиши мумкин). Телеконференция режимида даволаш тадбирларини ўтказиш учун имкониятлар яратилиши ҳам кўзда тутилган. Кеманинг орқа қисмида вертолёт майдончаси жиҳозланган. «Дайшаньдао» қуролларга эга эмас, экипаж аъзолари дунё океанининг турли минтақаларида халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи меъёрларига асосланган вазифаларни бажариш билан шуғулланади.

ОСНАЩЕНА
АВТОНОМНОЙ
СИСТЕМОЙ

“ Китайская 155-мм самоходная гаубица (СГ) SH-11 создана специалистами оборонного предприятия «Норинко». Орудие размещено в башенной установке, смонтированной на базе модифицированного для этих целей БТР VN-1 (колесная формула 8 x 8).

Гаубица оснащена современной системой управления огнем, включающей приборы обнаружения целей и панорамные средства наблюдения, при этом автономная система легко интегрируется в сетевую и централизованную системы управления. Расчет гаубицы три человека (командир, механик-водитель и наводчик орудия). Боевая масса SH-11 около 36 тонн. Корпус полностью сварной, выполнен из стальной брони, что обеспечивает защиту личного состава, узлов и агрегатов машины от осколков артиллерийских снарядов и пуль стрелкового оружия. На крыше башни смонтирован 12,7-мм пулемет серии QJC-88, предназначенный для самообороны и борьбы с воздушными целями. Для повышения устойчивости при стрельбе гаубица оборудована четырьмя аутригерами, которые размещаются в кормовой части и за передними парами колес. В базовой конфигурации БТР VN-1 комплектуется дизельным двигателем Deutz BF6M1015C мощностью 440 л. с. Для удобства работы расчета в условиях жаркого климата машина оборудована системой кондиционирования.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ ОШИРИЛАДИ



Ҳиндистон 24 та сув ости кемаси яратишни режалаштирмоқда. Улардан олтитаси атом сув ости кемаси бўлади, деб хабар берди мамлакат ҳарбий-денгиз кучлари томонидан парламентга тақдим қилинган маърузага иқтибос келтирилган ҳолда NDTV телеканали.

Ҳозир Ҳиндистон ҳарбий денгиз кучларида 15 та натовм ва 2 та атом сув ости кемаси бор. Хитой ҳарбий-денгиз кучларининг Ҳинд океанида фаоллиги ошгани сабабли Ҳиндистонда инфратузилмани модернизация қилиш, жумладан янги кемалар ва сув ости кемалари қуришга қарор қилинган.

РАКЕТА ЗАРБАСИ ОҚИБАТИДА



29 декабрда Яман ҳукумат кучларининг Ад-Дали шаҳридаги парадига ҳужум қилиниши оқибатида 9 киши ҳалок бўлди, яна бир неча киши яраланди. Бу ҳақида Al Arabiya телеканали хабар берди. Ад-Далини назорат қилувчи маҳаллий кучларнинг таъкидлашича, янги жангчиларнинг ўқиши тугаши муносабати билан ўтказилган парад вақтида ҳусийчилар томонидан отилган ракета портлаган. Қурбонлар орасида 6 жангчи ва 3 бола бор. Яна 20га яқин киши жароҳат олган. Ҳужумдан кейин воқеа жойи яқинида 3 ҳусийчи жангари қўлга олинган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЎТ ОЧИШДАН ОГОҲЛАНТИРДИ



Эронлик ҳарбийлар Эрон, Россия ва Хитой биргаликда олиб бораётган ҳарбий машғулотлар ҳудудида аниқланадиган разведка кемалари ва самолётларига ўт очишга тайёр. Бу ҳақида Эрон Қуролли Кучлари қўмондонли ўринбосари Ҳабибуллоҳ Сайёрий маълум қилди. Унинг сўзларини Tasnim ахборот агентлиги келтириб ўтган.

«Аввал биз бунга қодирлигимизни кўрсатганимиз», деб қўшимча қилган ҳарбий. Уч давлатнинг биргаликдаги машғулоти жорий ҳафтада Ҳинд океанида бошланган.

ХАРБИЙ КИНОЛОГИЯ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида итларнинг хизматидан фойдаланишга кенг миқёсда эътибор қаратилади. Ҳарбий хизматчилар ва бошқа соҳа вакиллари юртимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида итлар хизматидан самарали фойдаланиб келишмоқда.

Бундан ташқари бир нечта хизматчи итлар «АрМИ – 2019» халқаро мусобақасининг «Содиқ дўст» баҳсларида ўз эгалари билан юқори натижаларни қайд этиб, армия ўйинлари тарихида янги саҳифаларни очиб берди. Уларнинг натижалари космосга учирилган «Белка» ва «Стрелка» лақабли итларникидек бўлмасда, «Клиф» ҳамда «Драго» кўрсатган қаҳрамонликлари ҳар қандай мақтовга сазовордир.

Биз «АрМИ – 2019» қаҳрамонлари билан яқиндан танишиш мақсадида Мудофаа вазирлиги марказий хизмат итлари питомнигида бўлдик. Бу ерда кинологлар ҳар куни ҳар хил зотдаги итларнинг хизмат вазифасини бажариш машғулотларини ўтказишади. Ижодий гуруҳимиз ташрифи куни ҳам ҳарбий кинологлар Бельгия (Малинуа зотли) ва немис овчаркалари билан навбатдаги машқларни бажаришга киришди. «Клиф», «Драго» ва «Орбита» лақабли итларнинг бажараётган машқларини кўриб ҳайратланмаслигининг иложи йўқ эди. Тўғри, бу хизмат итлари ўз эгалари билан одатий профессионал вазифасини намойиш қилгандир. Аммо ўндан ортиқ машқ бажараётган итлар орасида



«КЛИФ» ВА «ДРАГО»

айнан мана шу учтаси бошқаларидан кескин ажралиб турарди.

«Клиф»нинг «АрМИ – 2019» халқаро мусобақасида ўрнатган рекорди ва «Драго»нинг энг яхши натижалардан бирини қайд этганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳақида капитан Шодиёр Шомуродов, кичик сержант Содиқ Дилмуродовнинг таассуротлари билан ўртоқлашасак. Содиқнинг айтишича, «Клиф» армия ўйинларининг эстафетали биатлон баҳсларида белгиланган 1,6 км масофани 5 дақиқа, 59 сонияда босиб ўтиб, мусобақа рекордини янгилаган. «Драго» эса 3,2 км биатлон баҳсларида энг яхши натижалардан



Маълумот учун: итлар ўртача 8–15 йил яшайди. Австралиянинг Виктория штатида яшаган Bluey лақабли ит бу борада рекордчи – 29 йилу 8 кун.

бирини қайд этган.

«АрМИ – 2019» мусобақаларидан кейин катта лейтенант Шодиёр Шомуродов ва оддий аскар Содиқ Дилмуродовнинг муддатидан олдин ҳарбий унвонлари оширилди. «Клиф» ҳамда «Драго» ўз эгаларининг содиқ дўсти сифатида юртимиз осойишталигини қўриқлашда ҳарбий хизматчиларга ажойиб ёрдамчи бўлиб келмоқда.

Фазлиддин ЧОРИЕВ

ПОЖАРНАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ

Основные требования по эксплуатации газового оборудования

Во внутренних газопроводах места утечек газа могут быть в кранах стояков, перед счетчиками и перед приборами, в пробках или заглушках, в местах резьбовых соединений.

Утечка газа обнаруживается по показаниям газового счётчика (приборы закрыты, а счётчик работает) или предполагаемые места утечки (места соединений труб) смазываются мыльной эмульсией и по образованию пузырьков определяется утечка газа.

Газопроводы и газовое оборудование надлежит содержать всегда в чистоте.

ЗАПРЕЩАЕТСЯ:

установка газовых приборов:

- в кухнях или помещениях, приспособленных под кухни, без естественного освещения, расположенных в подвальных помещениях;
- в коридорах общего пользования;
- в кухнях или помещениях, приспособленных под кухни, которые расположены в подвальных и цокольных этажах, при газоснабжении сжиженными газами;
- в общежитиях;
- в жилых домах высотой в 10 и более этажей; установка газового оборудования:
 - в буфетах и кафе театров, кинотеатров и т.п.;
 - в предприятиях общественного питания торговли;
 - в кухнях детских садов и яслей;

установка газовых водонагревателей в жилых зданиях высотой более пяти этажей;

оставлять без присмотра и на ночь работающие приборы и агрегаты, кроме используемых для отопления ёмкостных водонагревателей, специальных отопительных котлов и печей, а также газовых холодильников, рассчитанных на непрерывную работу и имеющих для этого соответствующую автоматику; пользоваться неисправными газовыми приборами и агрегатами; пользоваться газовыми плитами для отопления помещений;

привязывать к газопроводам веревки и нагружать газопроводы;

В случае прекращения подачи газа потребителями и при ремонтах краны горелок газовых плит, таганов, водонагревателей и других приборов должны немедленно закрываться. Перед каждым использованием водонагревателями, печами и другими газовыми приборами, имеющими отвод продуктов сгорания в дымоходы, должна проверяться тяга в дымоходе. Проверка тяги производится после включения прибора в соответствии с инструкцией для данного прибора. Кухни и другие помещения, где установлены газо-

вые приборы, должны постоянно проветриваться.

При появлении в помещении запаха газа нужно немедленно прекратить пользоваться газовыми приборами, не курить, не включать и не выключать электроприборы, закрыть все краны газовых приборов, открыть окна для проветривания помещения и вызвать помощь в установленном порядке.

Газопроводы к отопительным печам, котлам и другим агрегатам перед началом каждого отопительного сезона должны проверяться на герметичность обмыливанием резьбовых соединений. При этом должны быть проверены работа автоматики безопасности и плотность запорных устройств. После окончания отопительного сезона отопительные печи и котлы должны отключаться с установкой заглушек и пломб на закрытых кранах и составлением акта.

Проблемы обеспечения пожарной безопасности при эксплуатации газового оборудования являлись актуальной и все ответственные лица, и граждане не должны об этом забывать. Сохранение жизни и здоровья людей одна из главных наших задач.

Подполковник Зокир КЕНДЖАЕВ, начальник инспекции пожарной безопасности Ташкентского военного округа

ПОЛИЦИЯЧИЛАР ҲАЛОҚ БЎЛДИ



Афғонистон шимолидаги Тоҳар вилоятида «Толибон» жангариларининг полиция бўлимига ҳужуми оқибатида 17 полициячи ҳалок бўлди. Бу ҳақда вилоят губернатори вакили Жавод Ҳажрийга иқтибос келтирган ҳолда Associated Press ахборот агентлиги хабар берди.

Таҳминларга кўра, ҳужум маҳаллий полиция қўмондонига қаратилган бўлган. Унга ҳеч нарса қилмаган.

«Толибон» вакили Забиҳулла Мужоҳид ҳужум учун жавобгарликни ўз зиммасига олган.

ҚОНУН ЯНГИЛАНИШИ ЗАРУР



Тожикистоннинг терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонуни эскирган ва уни янгилаш керак. Бу ҳақда Президент Эмомали Раҳмон парламентга йўллаган мурожаатида айтиб ўтган. «Террорчилик ташкилотлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, диний манбаларни нотўғри талқин қилиш орқали бу борада билими йўқ ёшлар онгига экстремистик ғояларни синдиришга уриняпти, уларни кўпурувчиликларга ундамоқда, шу боис ҳам терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонунчиликни тезроқ яқунлаш зарур», – деган у.

ҲАРБИЙЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ



Қирғизистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва жазони ижро этиш давлат хизмати ходимларининг бир гуруҳи янги хонадонларнинг қалитларини шахсан давлат раҳбари қўлидан қабул қилиб олишди, дея хабар беради Спутник нашри. Мамлакат Президенти бундан буён ҳам мамлакатда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси яхшилаб борилишига алоҳида эътибор қаратилишини ваъда қилган.

Ҳар бир янги хонадон соҳибига бирламчи эҳтиёжи учун 200 минг сўмлик сертификатлар топширилди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

Тонг сахар бошимдаги кучли оғриқдан уйғониб кетдим. Ўриндан турганимда кўз олдим қоронғилашиб, бошим айланиб, ерга гурсиллаб йиқилдим. Ўзимни бир амаллаб ўнглаб, ўриндан турдим. Ҳовлига чиққананда, меҳрибон онажоним қарши олди:

- Яхшимсан, болам?
- Яхшиман, ойижон, озроқ бошим айланди.
- Докторга бир кўринсанг бўларди, болам.
- Ҳа, бугун кўринаман, ойижон, бир дуо қилинг, ишдан кеч қолмай, - дедим.

Минг бир хаёл билан раҳбаримиз олдига кириб, тушликкача рухсат сўраб, Республика шифохонаси қабул бўлимига учрашдим. Бўлимдагилар тезда анализ топширишим кераклиги бўйича менга йўланма берди. Барча таҳлилларни топшириб, озроқ кутиб турдим.

Бўйлари басавлат, оқ халатли бир киши: «Исмоилжон ким?» деб чақирганини эшитиб, ёнига бордим.

- Қон таҳлилларингизда озроқ ўзгариш бор. Сизга йўланма бераман. Диагностика марказига бориб, томография қилдириб келинг, кейин яна менга учрашасиз.

Йўланмани олиб, айтилган жойга бордим. У ерда товонимдан бошимгача томография қилишди. Доктор икки варақ қоғозни кўлимга тутқазиб, «тезда йўланма берган докторга бориб учрашинг», деди. Ҳеч нарсага тушунмай шифохонага бориб, бояги докторга учрадим.

- Уйланганмисиз? - унинг биринчи саволи шу бўлди.
- Йўқ, тинчликми? - дедим ҳайрон бўлиб.
- Яқинларингиз борми?
- Ҳа, акам, онам борлар.
- Бошингиз оғриб турадими? -

РЎМОЛЛИ ҚИЗАЛОҚ

(ҲИКОЯ)

сўрашда давом этарди шифокор таҳлил жавобларидан кўзини узмай.

- Ҳа, бир ойдан бери кучли оғриқ бўляпти, озроқ вақт ўтиб қўйворади, - дедим.

- Сизга онкология шифохонасига йўланма бераман, вақтни ўтказмай тезда боринг, улар бу каби касалликларнинг мутахассислари, эҳтимол, олдини олиш мумкин.

Доктор қабулдан кайфиятсиз ҳолда чиқиб, эшик ёнидаги ўриндиққа ўтирдим. Юрагимга кўркүв оралади. Ишқилиб, доктор янглишган бўлсин-да. Кун давомида онкология шифохонасига кўриқдан ўтдим. Натижалар чиққач, шифокор мени чақирди:

- Биз, шифокорлар сизнинг соғлигингизга фақат сабабчи бўлаемиз, соғайиш ўзингизга боғлиқ. Яқинларингизни бохабар қилинг, кейин зудлик билан шифохонамизга ётишингиз керак.
- Кўз олдимда онажоним гавдаланди.
- Бу шумхабарни эшитиб, қай аҳволга тушар экан? Ҳали орзу-ҳавасимни ҳам кўргани йўқ, чиқиб акамга кўнғироқ қилдим.

- Ака, мен онкология шифохонасиданман... бошимда ўсимта бор экан.
- Бу сўзни айтишим билан гўшақдан келаётган овоз бир зум тинди.
- Исмоил... Исмоил...
- Лаббай, ака.
- Нима дединг? Қанақа ўсимта?
- Ўзим ҳам ҳайронман, ака.

- Биз ҳозир ёнингга борамиз, - дея гўшақни кўйди.

Телефонни қулоғимга тутиб турган ҳолда кўзларимга ёш келди. Шифохона йўлагидеги ўриндиқдан анча вақтгача тура олмадим.

Кўп ўтмай акам югуриб келдилар. Кўзларим ногаҳон сал нарироқда мунғайибгина турган муштилар онамга тушди. Қадлари эгилган, кўзларида ёш... Нохуш хабар мунисгинами саросимага солиб қўйибди.

Ҳозирда даволанаяпман, яна қанча умрим қолгани ягона Аллоҳга аён.

Кимётерапия олдим, бу жараён мени анчайин ҳолдан тойдирди, бир ҳафталик умрим қандай ўтганини эслай ҳам олмадим. Муолажалардан кейин сочларим тўкила бошлади.

Туни билан мижажа қоқмай, эрталаб ўхлаб қолибман. Ўриндан туриб, шифохона ойнасидан кўча тарафга назар солдим. Кимдир тирбандликдан хуноб бўлиб машина сигнални баралла босиб, қулоқни қоматга келтирар, бошқаси бир нарсаларни бўлиша олмай тортишар эди. Наҳот инсонлар бу дунё ёлғонлигини, ҳеч ким унга устун бўлмамлигини, одам бир-бирига омонат эканлигини тушуниб етмаса, деган тизгинсиз ўйлар кўнглимдан ўтди. Бир-биримиздан меҳрни аясаслигимиз кераклигини нега кеч англаб етамиз?

Охирги пайтлар шу каби ўйлар мени тинч қўймас эди. Соғлом юрган пайтларим мен ҳам бу ҳақда кўп ўйламасдим. Касал бўлибгина ҳаётнинг, соғлиқнинг, яқинларимнинг қадрига ета бошладим. Наҳотки шуларнинг қийматини билиш учун инсон хасталикка чалиниши шарт бўлса...

Уқоллар оғриғини унутай, дея йўлакка чиқиб, ўриндиққа ўтирдим. Эрталаб бўлганлиги учун йўлақда деярли ҳеч ким йўқ эди, атроф сув қуйгандек жим-жит. Озроқ хаёлга берилиб, оёғимга келиб урилган коптокни сезмай қолибман. Ёнимда бошига рўмол ўраган жажжигина қизалоқ жилмайиб турарди. Тезда хушимни йиғиб, коптокни қизалоққа узатдим.

- Раҳмат, амаки.
- Нима қилиб юрибсан? Ойинг қани, адашиб қолдингми?
- Ойижонимнинг айтишларича, озроқ шамоллаб қолибман. Докторлар тезроқ соғайиб кетишим учун уқол қилишяпти. Тез орада тузалиб кетаман, амаки, - дея жилмайиб қўйди.
- Қизалоқнинг рўмоли тагида сочлари кўринмасди. Сал нарироқда «Нозима», дея онаизори югуриб келди.
- Бирор инсонни кўргани келдингми? - дея сўрадим жувондан.
- Йўқ, кўзим даволанаяпти, ўпкасида... саратон, - деб йиғлаб юборди.
- Бир ҳафта олдин кимётерапия олди. Бугун аҳволи анча яхши. Қизимни кўриб, эзиламан: ёш умрига бу дард қаёқдан ёпишди, ҳайронман...
- Шифосини берсин, келиной. Тез орада чопқиллаб кетади.
- Қизалоқ жилмайганча «хайр, амаки», дея онасига эргашди. Мен улар ортидан ўйга толдим: «Бу қандайин кўргилик? Мен ёшман десам, бу ҳали гўдак-ку! Ҳаётда кўп нарсаларга эришдим, бу қизалоқ эса ҳали нимани ҳам кўрди?»

Жасур НУРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилмоқда.

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР Қўллаб-қувватланмоқда

бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда маънавият-тарғибот маркази туман бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда меҳнат фахрийлари ҳам фаол иштирок этдилар.

- «Ватанпарварлик ойлиги» доирасида ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларнинг қалбига она Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини, ватанпарварлик туйғусини шакллантиради, - дейди туман ЎСТК бошлиғи Санжар Давиров. - Бу эса ўз навбатида ёшлар камолотида алоҳида ўринга эга.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қўшработ тумани ўқув-спорт техника клубида оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Биргина ўтган 2019 йил мобайнида 525 нафар «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашга эришилди. Ҳаво милитигидан ўқ отиш секциясида фаолият юритаётган ёшлар турли мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Спортнинг ушбу тури бўйича ўтказилган вилоят кубоги босқичида қўшработлик мерганлар умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллаган бўлса, клуб аъзоси Дилмурод Облоқулов 2-ўринга муносиб деб топилди.

Бу муваффақиятларда туман ЎСТК жамоасининг замон талабларига мос фаолияти, шунингдек, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, эзгу иш ҳамда ташаббусларга бош-қош бўлаётган клуб раҳбариятининг хизматлари алоҳида ўрин тутди.

А. АЛЛАМУРОВ



Жумладан, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфидеги Қўшработ тумани ўқув-спорт техника клуби томонидан тумандаги ҳарбий қисмларнинг бирида ҳамкорликда ташкил этилган тадбир ҳам ушбу муҳим санага бағишланди. Туман мудофаа ишлари



АЙЁМ ШУКУҲИ

«Қиш – шукуҳли фасл. Бу фаслни айниқса, болажонлар интиқ бўлиб кутадилар. Уй тўрида безатиладиган рангоранг товланувчи арча, Қорбобо ва Қорқизнинг кутилмаган совғалари, Янги йил муносабати билан уюштириладиган байрам томошалари... Болажонларнинг шодиёналардан оладиган қувончи дунёларга сиғмайди.

БАЙРАМНИНГ ТАРОВАТЛИ ЛАҲЗАЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари учун ўтказилган байрам томошалари бу гал ҳам жажжи қалбларга чексиз қувонч улашди. Дастлаб сарой фойесида концерт дастури намойиш қилинди. Дастур давомида қизиқарли ўйинлар ташкиллаштилди. Арча атрофида ўзлари севган эртақ қаҳрамонлари билан юзма-юз келган, Қорбобо ва Қорқизга шеър ёки кўшиқ айтиб бериб мукофотланган болажонларнинг юз-кўзидаги қувончни таърифлашга сўз ожизлик қилади.

Концерт дастуридан сўнг байрам томошалари сарой ичкарасида давом этди. Иқтидорли болажонлар ижросидаги театрлаштирилган чиқишлар кўнгилларга шодлик улашди. Унда эзгулик ва яхшилиқни тараннум қилувчи куй-қўшиқлар янгради.

Тадбир ниҳоясида болажонларга Президент совғаси улашилди. Шунингдек, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига мудофаа вазирининг ҳам совғаси берилди. Совғаларни мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев топширди.



ХИЁБОНДА ҚОРБОБОЛАР МАРШИ

Амир Темур хиёбонида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига Янги йил байрами шукуҳини улашиш мақсадида Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестри томонидан концерт дастури тақдим этилди. Қорбобо либосидаги ҳарбий санъаткорларнинг тантана тароватини тараннум қилувчи куй-қўшиқларини йиғилганлар хушнудлик ила қарши олишди.

Шахло ОРТИҚОВА



БИР ЧИМДИМ
Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак.
Абдулла ҚОДИРИЙ



Kun	Harorat	Tavsif
Juma 3 yanvar	+7°C +1°C	yomg'ir bulutli
Shanba 4 yanvar	+10°C 0°C	bulutli bulutli
Yakshanba 5 yanvar	+9°C +2°C	bulutli bulutli
Dushanba 6 yanvar	+6°C +1°C	yomg'ir bulutli
Seshanba 7 yanvar	+4°C 0°C	yomg'ir bulutli
Chorshanba 8 yanvar	+4°C -3°C	qor bulutli
Payshanba 9 yanvar	+4°C -3°C	Ochiq havo Ochiq havo

OBHAVO.UZ

КЕЛГУСИ СОНДА: Узоқ муддатли ипотека кредитини имтиёзли даврда тўлиқ қоплаш мумкинми ?

Серикант Олим БЕРДИЕВ суратга олган

VATANPARVAR

Муассис:
Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: подполковник Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ
Навбатчи:
Исломжон ҚўЧҚОРОВ
Саҳифаловчилар:
Раимиз ВАЛИЕВ
Роберт ИСЛАКАЕВ
Мусаҳҳиҳлар:
Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА
Мухаррам КАМОЛОВА

Телефонлар:
71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.
ISSN 2010-5541
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.
Буюртма: г-163
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 36 971 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент ш, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.
Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси,
1-уй.